QQNUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 31-oktabr, shanba • №44(3834)

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун бутун юртимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётидаги қувончли бир воқеа билан, яъни, мамлакатимиз пахтакорлари ўз зиммасига олган шартнома режасини муваффақиятли адо этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритгани, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этишга эришгани билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриклайман.

Ҳаммамиз кутган бу ғалаба аввалambор заҳматкаш, кўпни кўрган деҳқон ва фермерларимизнинг, бу ютуққа муносиб ҳисса қўшган мутахассис ва механизаторлар, барча қишлоқ меҳнаткашларининг азму шижоати ва фидокорона меҳнатининг натижасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Албатта, доимо ер билан тиллашиб, унга бутун борлиғини бериб меҳнат қиладиган деҳқон учун қишлоқ хўжалиги соҳасида осон йил нинг ўзи бўлмайди. Айтиш керакки, 2009 йил мавсуми ҳам биз учун кўп жиҳатдан мураккаб бўлди. Аввало баҳор серёғин келиб, иқлим инжиқлиги катта қийинчилик туғдиргани, сел ва дўллар кўпайгани, қуёш ҳароратининг етишмаслиги туфайли далаларни тайёрлаш, чигитни экиш ва тўла ундириб олиш жараёни, ҳаммамизга маълум, қарийб бир ой орқага сурилиб кетди.

Бундан ташқари, намгарчилик юқори бўлгани учун турли касалликлар, ҳашарот ва зараркунандалар кўпайиб, деҳқон ва фермерларимиз учун яна бир жиддий синовга айланди.

Буларнинг барчаси деҳқонларимиздан ҳар туп ғўза атрофида парвона бўлиб, экинга қўшимча ишлов бериш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, бир сўз билан айтганда, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар қачонгидан кўра эҳтиёткорлик билан иш тутишни талаб этганини тушуниш, англаш қийин эмас.

Сиз, моҳир пахтакорларимизнинг мақсад сари ана шундай тинимсиз интилиш, ҳар қандай огир шароитда ҳам ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, энг муҳими, ўз кучингизга бўлган ишонч, мустаҳкам ирода ҳисобидан барча синовларни енгиб, улкан ғалабага эришганингиз юксак таҳсин ва тасанноларга муносибдир.

Ҳеч шубҳасиз, бу йилги мавсумда, мана шундай ўта мураккаб шароитда сизлар қўлга киритган бу ютуқ мамлакатимиз пахтачилиги тарихига алоҳида ёрқин саҳифа бўлиб киради, албатта.

Бугунги катта ғалабага асос бўлган омиллар ҳақида гапирганда, бунинг замирида аввалambор, истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаб амалга ошираётган туб ислоҳотларимиз, ота-боболаримизнинг бой деҳқончилик тажрибаси ва замонавий илм-фан ютуқлари билан бирга, деҳқон ва фермерларимизнинг меҳнатсеварлик, изланувчанлик ва омилкорлик фазилатлари мужассам эканини таъкидлаш ҳар томонлама ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Энг муҳими, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, унинг истиқболини ўйлаб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиши учун мустаҳкам қонуний ва ташкилий-амалий замин яратганимиз, бу ҳаракатнинг самарасини ошириш йўлида кенг миқёсда имтиёз ва имкониятлар туғдириб берганимиз нафақат бугунги ғалабага эришишда, балки қишлоқ ҳаётини янги босқичга кўтаришда ғоят муҳим омил бўлганини, ўйлайманки, ҳеч ким инкор этолмайди.

Бу йилги мавсум якунлари ҳақида гапирар эканмиз, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари ишни уюшқоқлик билан ташкил этиб, шартномавий мажбуриятларини 25-30 иш кунида ортиғи билан адо этишга эришганини мамнуният билан қайд этамиз.

Мамлакатимизнинг улкан пахта хирмонига ўзининг салмоқли улушини қўшган Пахтаобод, Олтинкўл, Қумқўрғон, Шеробод, Касби, Қизилтепа, Дўстлик, Нарпай, Наманган, Қува, Боёвут, Бўка, Элликқалъа, Гурлан ва Вобкент туманлари пахтакорлари бу борада бошқаларга ўрнак бўлгани алоҳида таҳсинга сазовор.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида айниқса Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув", Олтинкўл туманидаги "Намуна гулшани", Бўка туманидаги "Саркор", Чиноз туманидаги "Муқимий", Гурлан туманидаги "Ҳайитмат ота", Элликқалъа туманидаги "Рўзимбой", Навбаҳор туманидаги "Муслим Мадаминов", Қамаши туманидаги "Ашур бобо", Поп туманидаги "Эрназар", Қува туманидаги "Олтин диёр", Қумқўрғон туманидаги "Гулистон" сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45-50 центнерга етказгани фермерлик ҳаракатининг қандай катта имкониятларга эга эканини яна бир бор исботлаб бермоқда.

Бу соҳада амалга оширган улкан ишларимиз қаторида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, модний манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган катта ишларимиз ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини қайд этиш зарур.

Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли нафақат қишлоқларимиз қиёфаси бутунлай ўзгараётгани, шу билан бирга, деҳқонларимиз, қишлоқ аҳлининг онгу тафаккури, турмуш маданияти юксалиб, уларнинг эртанги кунга ишончи, ён-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, ҳаётга фаол муносабати кучайиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи навбатда, ҳосилдорлик даражаси, тола сифатининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан эътиборни тортади.

Шу сабабли бугунги кунда ўзбек пахтаси халқаро миқёсда тобора харидоргир бўлиб, республикамиз жаҳон пахта бозорининг марказларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини беш йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган, кўплаб нуфузли хорижий савдо компаниялари қатнашиб келаётган халқаро пахта ярмаркасида катта ҳажмдаги шартномалар имзоланиб, бу соҳадаги ҳамкорлик алоқалари янада кучайиб бораётганида кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан равшанки, иқтисодиётимизда етакчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида ер унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, катта меҳнат, масъулият ва сафарбарликни талаб қиладиган пахтачилик соҳасига илғор тажрибалар, замонавий янги технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан деҳқон ва фермерларимизнинг даромадлари ва фаровонлигини янада ошириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш масалалари биз учун бундан буён ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Сизларни бугунги юксак меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Доимо бахтингиз, омадингизни берсин!

Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МИННАТДОРЧИЛИК

ОМОНАТИМ ЎЗИМГА ҚАЙТДИ

– Шу йилнинг 25 сентябрь куни «Урганч-Қўнғирот» йўналиши бўйлаб қатновчи ҳайдовчи Йўлдош Худойбергановга кўп миқдордаги пулни бериб, уни қўнғиротлик танишим Фарруҳ Атажоновга етказишни илтимос қилдим. Орадан кўп вақт ўтмай ҳайдовчи омонатни автомашинага ўтирган йўловчилар зўравонлик билан куч ишлатиб, олиб кетишганини айтди. Бу нохуш хабарни эшитиб, гангиб қолдим. Нима қилишимни билмай Урганч шаҳар ИИБга мурожаат қилдим. Бу иш юзасидан тезкор-тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Маълум бўлишича, ҳайдовчи Йўлдош Худойберганов ўзининг шериги урганчлик муқаддам судланган Илҳом Рўзметов билан жиноий тил бириктириб пулни ўзлаштириш режасини тузишган ва юқоридаги воқеани ўйлаб топишган экан. Синчков осойишталик посбонлари уларнинг бу найрангини тезкорлик билан фош этишди ҳамда пулимни ўзимга қайтаришди.

Кўп йиллар мобайнида оиламиз билан мисқоллаб йиққан ҳалол пулим ўзимга қайтганидан хурсандман. Урганч шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи, майор Ойбек Ибрагимов, бўлинма бошлиқлари, капитан Бунёд Ражабов, катта лейтенант Рашид Сапаев, катта тезкор вакил, майор Станислав Ибрагимов, тезкор вакиллар, катта лейтенантлар Улуғбек Ўрозбоев, Шерзод Собировларга оила аъзоларим номидан миннатдорлик билдираман.

Саломат РЎЗМЕТОВА.
Хоразм вилояти.

ШИФО МАСКАНЛАРИДА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси асосида тиббий хизмат кўрсатиш тизимида босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган ислоҳотлар бунинг исботидир.

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМЛИК

Жумладан, республика ички ишлар идоралари тизимида ҳам ходимлар саломатлигини тиклаш ва уларнинг соғлиғини сақлаш, даволаш тизимини шакллантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда осойишталик посбонларининг саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутувчи ИИВ Марказий госпиталининг ҳиссаси салмоқли. Шифо масканида ички ишлар ходимлари, Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари, уларнинг оила аъзолари, фахрийлар, тизимдаги олий таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, профессор-ўқитувчилари саломатликларини тиклаш, турли хасталикларни даволашда замонавий тиббий услублардан фойдаланади.

Энди бевосита госпитал тарихига бир назар ташласак. 1954 йил 20 ноябрда ички ишлар идоралари ва ходимлари ва уларнинг оилалари учун хизмат кўрсатишга мўлжалланган, мўъжазгина, яъни атиги қирқ ўринни ўз ичига олган шифохона ташкил топди. Унга полковник Р. Холматов (марҳум) бошлиқ бўлган. Беморларга самарали хизмат кўрсатиш билан бирга, шифохонани малакали мутахассислар, тиббий анжомлар билан таъминлаш, ёрдамчи хизмат ишини йўлга қўйиш, озодаликка риоя қилиш каби қатор вазифалар турарди. Маскан биносининг талабга жавоб бера олмай қолгани сабабли тўрт қаватли янги бино қурилиши бошланди.

(Давоми 3-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни Оқсаройда МДҲнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ОАЖ президенти Владимир Якунинни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари темирйўлчиларининг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётганини, уларнинг Тошкентда ўтаётган форуми бу фикрнинг яққол далили эканини таъкидлади. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатлари темир йўл компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.***

● *Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича Кенгашининг Латвия, Литва, Эстония темир йўл маъмуриятлари вакиллари иштирокидаги 51-мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатлар темир йўл транспорти бўйича кенгашининг 51-мажлиси иштирокчиларига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев ўқиб эшиттирди. Мажлисда темир йўллар ишининг долзарб масалалари, поездлар ҳаракати жадвали ва уларни шакллантириш режалари, вагон оқимлари йўналишлари, ўзаро ҳисоб-китоб тартиби ва қоидаларини такомиллаштириш, юк вагонларини таъмирлашда янги технологияларни жорий этиш, шунингдек, тадбирда 2010-2011 йилларда поездлар ҳаракатланишининг норматив жадвалини мувофиқлаштириш, халқаро йўналишларда йўловчи ташиш поездлари хавфсизлигини таъминламаганлик учун моддий жавобгарликни кучайтиришга доир битимга қўшимча ҳамда ўзгартишлар ва шу каби соҳага дахлдор бошқа масалалар муҳокама этилди.*

● ***Фаластин Давлати ташқи ишлар вазири Риад ал-Малкийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкентда 27 октябрь куни ушбу мамлакат элчихонасининг янги биноси очилди. Шу куни Риад ал-Малкий Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини зиёрат қилди.***

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг бажарилиши кўриб чиқилди, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Қашқадарё вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, подполковник Эркин Зоирович Қурбонов.

Эркин Зоирович Қурбонов 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1992 йилда Қашқадарё вилояти Муборак тумани ИИБ участка назоратчиси лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Муборак тумани ИИБ ДАНБ ЙПХ катта назоратчиси, инспектори, автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш гуруҳи инспектори, Косон тумани ИИБ автотранспорт воситалари техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш гуруҳи катта инспектори, вилоят ИИБ ЙҲХБ бўлинма бошлиғи, ЙҲХБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЙПХ алоҳида батальони командири лавозимларида хизмат қилган.

Навоий вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Отабек Баҳронович Шамсиев.

Отабек Баҳронович Шамсиев 1973 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд кооператив институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Навоий вилояти ИИБ Жамоат тартибини сақлаш хизмати инспектори лавозимидан бошлаган. 1997-2009 йилларда Навоий вилояти ИИБ ЖТСХ бўлинма инспектори, катта инспектори, ҲООБ катта инспектори, ҲООБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ИНСОНИЙЛИК МЕЗОНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Польша пойтахти Варшава шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан инсонийлик мезонларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 56 та давлатидан 250 нафар вакил иштирок этди. Мазкур халқаро анжуманда республикамизнинг қатор вазирлик ва идораларидан, жумладан, Ички ишлар вазирлигидан мутахассис сифатида иштирок этдим.

Инсонийлик мезонлари бўйича асосий институт ҳисобланган Варшавадаги Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ДИИҲБ) 1992 йилги Хельсинки ҳужжатига мувофиқ ЕХҲТга аъзо-давлатлар томонидан инсонийлик мезонлари бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан иш олиб боради. Бу галги мажлисда қонунчиликнинг шаффофлиги, суд ҳокимияти мустақиллиги, дин ва эътиқод эркинлиги, қийноқларга йўл қўймаслик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва терроризмга қарши курашиш сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Муҳокамалар чоғида маълум бўлишича, миллатчилик, ирқчилик, ўзга дин вакилларини камситиш сингари иллатлар ЕХҲТга аъзо давлатлар ҳудудидаги ижтимоий жараёнларда ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашда асосий муаммо бўлиб қолмоқда. Турли давлатлардан келган делегация аъзоларининг кўплаб маърузаларида аъзо-давлатлар бағрикенглик ва камситишларга йўл қўймаслик борасидаги мажбуриятларини бажаришда ДИИҲБ ва ЕХҲТнинг бошқа муассасалари самарали қўллаб-қувватлаши лозимлигини таъкидлашди.

Шунингдек, ишчи мигрантлар, қонуний мигрантларнинг интеграцияси, қочоқлар ва аъзо-давлатлар фуқароларига бўлган муносабатлар бўйича юзага келган масалалар ҳам мажлис кун тартибидан четда қолмади. Сўз ва матбуот эркинлиги, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, демократик институтлар ва сайловлар сингари мавзулар анжуман иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Юртимиз вакиллари мамлакатимизда таъминланган сўз ва матбуот эркинлиги, шунингдек, юртимизда сайлов жараёнларининг такомиллашуви хусусида сўзга чиқишди. Тадбир иштирокчиларига Ўзбекистонда сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишга бағишлаб чоп этилган рисола тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, ўн кун давом этган мажлис ҳар томонлама самарали бўлди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиниб, аъзо-давлатларга тегишли тавсиялар берилди.

Муродали ЖЎРАЕВ.
Тошкент – Варшава – Тошкент

ТОШКЕНТ. Республика ИИВ ЖИЭББда «Ғоямиз – ҳимоямиз» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шодиев ходимларни касб байрами билан қизғин табриклади. Сўнгра байрам муносабати билан хизматда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимларни рағбатлантириш тўғрисидаги қарор ўқиб эшиттирилди.

Кўрик-танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда саралаб олинган олти нафар ходим кейинги босқичда ўзаро беллашдилар. Бош бошқарма шахсий таркиб билан ишлаш хизмати инспектори, лейтенант Ғуломжон Эшимбетов барча саволларга тўғри ва тўлиқ жавоб бериб мусобақанинг мутлақ ғолиби деб топилди. Юқори натижа кўрсатган иштирокчилар қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

А. БЕГАЛИЕВ.

* * *

ТОШКЕНТ вилояти ИИБ ходимлари томонидан ҳам касб байрами кўтаринки кайфиятда нишонланди. Тантанали тадбирда вилоят ИИБ шахсий таркиби, узоқ йиллар соҳада самарали хизмат қилган фахрийлар иштирок этишди. Вилоят ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник А. Муллажонов барчани касб байрами билан қутлади ва шарафли хизматларида муваффақият тилади.

Шундан сўнг Ички ишлар вазирининг буйруғига биноан бир гуруҳ ходимлар «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан, яна бир гуруҳи пул мукофотлари билан тақдирланишди.

Х. РЎЗИЕВ.

* * *

ҚАРШИ. Вилоят ИИБда бўлиб ўтган тантанали йиғилишни бошқарма бошлиғи, генерал-майор А. Қўлдошев кириш сўзи билан очиб, барча ички ишлар идоралари шахсий таркибини байрам билан самимий қутлади.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими Н. Зайниев бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимларига ҳокимликнинг фахрий ёрлиқларини топширди. Шундан сўнг бир гуруҳ ходимларга «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони, махсус унвонлар ҳамда вазирликнинг фахрий ёрлиқлари ва пул мукофотлари топширилди.

С. РАҲИМОВ.

25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари куни мамлакатимизда касб байрами сифатида кенг нишонланди. Қуйида республикамиз ички ишлар идораларида бўлиб ўтган тантаналар ҳақида хабарлар билан таништирамиз.

МУНОСИБ НИШОНЛАНДИ

* * *

УРГАНЧ. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали тадбирда вилоят ҳокими О. Оллаберганов сўзга чиқиб, фидойилик кўрсатиб хизмат қилаётган осойишталик посбонларини самимий қутлади.

Тадбирда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари, истеъфодаги подполковник Қўзи Давлетов, вилоят ИИБ хотин-қизлар қўмитаси раиси, капитан Роза Раҳимова ва бошқалар сўзга чиқиб, эл-юрт осойишталигини, юрт фаровонлигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг муносиб ўрни борлигини фахр билан таъкидлаб ўтишди. Шундан сўнг сидқидилдан хизмат қилаётган бир гуруҳ ички ишлар ходимларига навбатдаги махсус унвонлар, қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Х. ЖАББОРОВ.

* * *

АНДИЖОН. Бобур номидаги вилоят драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда вилоят ҳокими А. Усмонов ва вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Б. Сидиқов ички ишлар ходимлари ва фахрийларини қутлуғ кун билан табрикладилар. Бир гуруҳ ходимларга республика ИИВ, вилоят ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари, шунингдек, «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишонлари топширилди. Андижон шаҳридаги болалар боғи ички ишлар ходимларининг фарзандлари учун бепул хизмат кўрсатди. «Лола» қўғирчоқ театри ҳам болажонларни янги томошалари билан хушнуд этди.

Б. КЛЕЙМАН.

* * *

ГУЛИСТОН. Байрамга бағишланган тантанали йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими О. Ашурматов эл осойишталигини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ҳиссалари беқиёс эканлигини таъкидлади. Хизматда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ ходимларга ИИВнинг фахрий ёрлиқлари ҳамда вилоят ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Бундан ташқари, ходимларга касб байрами муносабати билан рағбатлантириш тариқасида навбатдаги махсус унвонлар берилди. Тантанали йиғилиш тугагач, ИИБ қошида янгидан қурилган фуқароларни қабул қилиш биносининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Н. ЙЎЛДОШЕВ.

* * *

ТОШКЕНТ. Чилонзор тумани ИИБ ходимлари касб байрами муносабати билан фахрий ҳамкасблари учун дастурхон ёзишди.

– Фахрийларимиз бизнинг устозларимиздир. Уларнинг ҳамкорлиги, бой тажрибаси эса хизмат самарасини оширишга улкан ҳисса қўшаяпти, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Дилмурод Воҳидов.

Тадбир сўнггида барча фахрийларга эсдалик совғалари топширилди.

Г. АВАЗОВА.

* * *

НАМАНГАН. Касб байрами муносабати билан бир гуруҳ ходимларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Уларга Ички ишлар вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва бошқарманинг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Бир қатор ходимлар республика Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тадбирда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида узоқ йиллар сидқидилдан хизмат қилган подполковник Толибжон Ҳотамовни нафақага кузатиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ф. МАМАЖОНОВ.

ШИФО МАСКАНЛАРИДА

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

1968 йилда 140 ўринли госпиталда шарт-шароитлар, беморларга хизмат кўрсатиш анчагина яхшиланган бўлса-да, рентген ва физиотерапия бўлими йўқ эди. Мутахассислар етишмаганлиги боис жарроҳлик бўлими қисман фаолият кўрсатарди.

Мамлакатда тараққиётнинг жадаллашуви ички ишлар идоралари ходимлари сонининг ҳам ортишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида, ходимларга хизмат кўрсатувчи госпиталдаги ўринлар ҳамда мутахассис кадрларнинг ҳам кўпайишига омил бўлди. 200 ўринга эга бўлган касалхонада шифокорлар ҳамда тиббий ҳамширалар биргаликда фаолият кўрсатишарди.

1971-1973 йиллар госпитал ҳаётида туб бурилиш даври бўлди. Бу даврда шифо масканида интенсив терапия палатаси ҳамда физиотерапия бўлими янгидан ташкил этилиши муносабати билан ўринлар сони 225 тага етди. Госпитал ҳудуди эса 1,5 гектардан 2,5 гектарга кенгайтирилиб, ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратилди. Терапия бўлими ихтисослаштирилиб, гастро-энтерология, пульмонология, кардиология каби мутахассисликлар бўйича ҳам шифокорлар фаолият кўрсата бошлади. 1979 йилдан буён эса поликлиникалардаги қабул ишлари билан мувофиқлаштирувчи диспетчерлик пункти ташкил этилди. Орадан йиллар ўтиб, шифохона ҳудудида ошхона ва айрим маиший хизмат кўрсатиш турлари ташкил этилди. Жонлантириш бўлинмаси, асаб касалликлари бўлими ишга тушди. Ўринлар сони ортиб, шошилинч жарроҳлик бўлинмаси ташкил этилиши муносабати билан мутахассислар сони ҳам кўпайтирилди. Фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун алоҳида хоналар ажратилиб, уларга хизмат кўрсатиш даражаси янада яхшиланди. 1998 йили 1 октябрдан госпитал янги ҳудудга кўчирилиб, қайта таъмирлангани учун вақтинчалик даволаш ишлари тўхтатилди. Бир йил ўтгач, 120 та беморга хизмат кўрсатувчи даволаш биноси ишга туширилди. 2000 йилда эса 402 беморни ўз ичига оладиган ИИВ Марказий госпитали қайта ташкил этилди. Таъмирлаш ишларидан сўнг иккинчи ва учинчи даволаш бинолари фойдаланишга топширилди.

Бугунги кунда марказий госпиталда умумий жарроҳлик, кўз касалликлари, урология, травматология, қулоқ, бурун, томоқ касалликлари, яра инфекцияси, неврология, кардио-пульмонология, анестезия-реанимация, биринчи ва иккинчи ички касалликлар, қон ва қон маҳсулотларини тайёрлаш, клиник биохимия лабораторияси, функционал диагностика, реабилитация маркази таркибида реабилитация, психосоматика, физиотерапия бўлинмалари мавжуд. Шунингдек, госпиталнинг нурли услублар ва замонавий текширувларга ихтисослаштирилган маркази таркибидаги магниторезонанс ва компьютер томография хоналари, рентгенангиография ва эндоваскуляр жарроҳлик, рентген, ультратовуш-диагностика, эхокардиография, ЭКГ, эндоскопия хоналари ҳам беморлар хизматида.

– Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, барча жабҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда, – дейди ИИВ Марказий госпитали бошлиғи, полковник Ҳошим Усмонов. – ИИВ раҳбарияти томонидан берилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли йилдан-йилга тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бормоқда. Янги бўлимларнинг ишга туширилиши ички ишлар идоралари ходимларининг саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Масканимизнинг замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланиши беморларни тезда тузалиб, оиласи бағрига қайтишида муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур шифо масканида ўтган йили Физиотерапия ва реабилитация марказининг ишга туширилиши муҳим воқеа бўлди. 70 ўринли стационар ҳамда 150 қабулга мўлжалланган қатнов-даволаниш бўлими ташкил этилди. Бу ерда ҳовуз, сауна, жисмоний тарбия зали, сув билан даволаш, жумладан, ёмғирли душ, сув ости массажи, тузли ванна, минерал сув билан даволаш усулларидан кенг фойдаланилади. Игна, нур, электр билан даволаниш хоналари ҳам беморлар ихтиёрида. Шу билан бирга, инфаркт, инсульт касалликлари жарроҳлигидан сўнг беморларни соғломлаштириш ишлари олиб борилади.

Тиббий хизмат кўрсатиш янада самарали бўлиши учун малакали кадрлар, замонавий ташхис ва даволаш ускуналари, транспорт воситалари ҳамда дори-дармонлар билан етарли таъминланиши муҳим омил саналади. Бу борада ҳам масканда ибратли ишлар амалга оширилаётир. Тиббий ходимларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хорижий давлатларнинг нуфузли илмий марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки нафар ходим Москва шаҳрида малака оширган бўлса, травматолог-шифокоримиз Польшада бўлиб қайтди.

Масканда замонавий рентген, радиологик текширувлар, компьютер томографияси, ультратовуш текширувлари, эндоскопия, эндовизуал ташхис усулларидан кенг қўлланилмоқда. Операция жараёнида тажрибали жарроҳлар, нейрохирурглар ва травматологлар биргаликда қатнашишади.

Госпиталда фан ютуқлари, илмий изланишларга катта эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда маскан шифокорлари чуқур илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республика ИИВ Марказий госпиталида хизмат қилаётган қўли енгил шифокор ва ҳамширалар осойишталик посбонлари саломатлигини яхшилаш ва тиббий хизматни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.
Суратларда: госпитал ҳаётидан лавҳалар.
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.



ЖАҲОН

АЙВОНИДА

ЭНГ ҚАДИМГИ ШАҲАР

Олимлар Суриянинг Хамукар қишлоғи ҳудудидан ер ости қазишмалари чоғида тахминан олти минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳар харобаларини топишди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу сайёрамиздаги энг қадимий шаҳар бўлиши мумкин. Шу билан бирга олимлар агар бу тахмин исботланса, ушбу топилма ер юзидаги шаҳар ва цивилизациянинг таркиб топиши ҳақидаги анъанавий тушунчаларни ҳам ўзгартириб юбориши мумкин, дейишмоқда.

ҚАРОҚЧИЛАР ХУРУЖИ

Сомалилик қароқчилар Ҳинд океанида Буюк Британияга қарашли кичик бир кемани гаровга олишди. Улар кемани қўйиб юбориш учун товон пули талаб қилишаяпти. Қароқчилар бунга қадар Испания, Тайван, Украина, Германия ва Туркия мамлакатларига тегишли кемаларга ҳам ҳужум уюштирганди.

Умуман, йил бошидан буён Адан кўрфазида қароқчилар томонидан 168 та талончилик содир этилган бўлиб, шундан 47 тасида кемалар гаровга олинган.

ИНҚИРОЗ ТАЪСИРИДА

АҚШда яна бир банк – Parners Bank ёпилди. Бу йил бошидан буён фаолиятини тўхтатган юзинчи банкдир.

Экспертларнинг хулосасига кўра, яқин йилларда АҚШда 400 та банкнинг ёпилиш эҳтимоли бор. Бундан суғурта бўйича федерал агентлик 100 миллиард доллар зарар кўриши мумкин.

ЭФИОПИЯ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Эфиопия ҳукумати жаҳон ҳамжамиятига ёрдам сўраб мурожаат қилди. Гап шундаки, беш йилдан буён мамлакатда юз бераётган қурғоқчилик туфайли одамлар очликдан азият чекмоқда. Маълумотларда айтилишича, мамлакатга камида 121 миллион долларлик озиқ-овқат ёрдами зарур.

Эфиопия биринчи марта бундай офатга дуч келаётгани йўқ. Бундан 25 йил аввал ҳам юз берган қурғоқчилик оқибатида кўплаб аҳоли очликдан ҳалок бўлганди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ОЛТИ ОЙ

Германия Бундесверида ҳарбийлар хизмати 9 ойдан 6 ойгача қисқартирилади. AFP ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга кўра, мамлакатда коалицион ҳукуматни шакллантириш борасида олиб борилган музокаралар чоғида консерваторлар ва либераллар бу ҳақда келишиб олишди.

ЯНА ҚЎПОРУВЧИЛИК

Покистоннинг Пешовор шаҳрида аҳоли кўп яшайдиган ҳудудда юз берган террорчилик оқибатида камида 80 нафар одам ҳалок бўлиб, 200 дан ошиғи турли даражада тан жароҳати олган. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Покистон Қуролли Кучлари Шимолий Вазиристон музофотида «Толибон» террорчиларига қарши ҳарбий амалиётни бошлаганидан буён мамлакат ҳудудида қўпорувчилик ҳаракатлари кунора юз бермоқда. Бундан асосан тинч аҳоли жабр кўраяпти.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ХАБАР

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида «Инқирозга қарши чоралар дастури»нинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ўткир Жўраев олиб борди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари ва «Инқирозга қарши чоралар дастури»**нинг ёритилишида оммавий ахборот воситалари роли ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган **«Инқирозга қарши чоралар дастури»**нинг мазмун-моҳияти юзасидан мулоҳазалар билдирдилар. Жумладан, иқтисод фанлари доктори Нурислом Тўхлиев глобал иқтисодий инқироз шароитида оммавий ахборот воситалари ходимлари олдида турган асосий масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, зарур таклифларини билдирди. Қизғин мунозаралар тарзида ўтган матбуот анжуманида таъкидланганидек, давлатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тутаётган оқилона сиёсатини аҳоли онгига чуқур етказиш, уларда кечаётган жараёнлар ҳақида тўғри фикрни шакллантириш табиийки, оммавий ахборот воситаларининг зиммасидадир.

С. РУСТАМОВ.

«ПАХТА – 2009»

Шу кунларда пахтакорлар ва йиғим-теримга жалб этилган ҳашарчиларнинг фикри-зикри далаларда етилган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишга қаратилган. Аммо ана шундай масъулиятли дамларда кўмак бериш ўрнига инсонийлик бурчини унутиб, пахтазор пайҳон қилиниши ёки кўсаклар нобуд бўлишига йўл қўяётган айрим юртдошларимиз учраб тургани кишини ҳайратга солади.

УВОЛИ ТУТМАСИН!

Қонунларимизда экинларни пайҳон қилишга қарши чоралар кучайтирилганидан айрим кимсалар бехабарга ўхшайди. Акс ҳолда бу каби ҳолатларни содир этишмасди.

Қўшкўпир тумани Ших қишлоғида яшовчи О. Эркиннинг 15 бош қорамоли «Даданазар» фермер хўжалиги пахта даласининг 500 квадрат метр жойини пайҳон қилиб, фермерга 28 минг сўмлик зарар етказди.

Шу йил 1 октябрь куни Урганч тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Иброҳим Қозоқов ва маҳалла посбони Алишер Юсупов «Оқолтин» деҳқон фермерлар уюшмасида истиқомат қилувчи Х. Мадёр «Ганжа арвали» фермер хўжалиги даласидан салкам 15 килограмм кўсакни юлиб, қорамолига едираётган пайтда ашёвий далил билан ушлашди. Шу ҳудуддан Э. Улуғбек юлғичликда барчани ортда қолдирди. У 12 октябрь куни 44 килограмм кўсакни молига едириш ниятида узганида сири ошкор бўлди. «Юқорибоғ» қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарорига асосан бир бош моли сўйдирилиб, гўшти Меҳрибонлик уйи ва кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Деҳқонларимиз қанчалик қийин бўлмасин, пешона тери билан мўл ҳосил етиштиришди. Бироқ юқорида номлари келтирилган шахсларнинг қилмишини қандай изоҳлаш мумкин? Ахир пахтазор яйлов эмас-ку, унда бемалол чорва моллари боқилса. Эртага оппоқ пахта бўлиб очилиши кутилаётган кўсакнинг уволи тутмайдими? Халқ мулкидан шахсий манфаатини устун қўювчи бундай кишилар албатта, қонун олдида жавоб берадилар.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Хоразм вилояти.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН!

ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР!

Сизга маълумки, ҳар бир қонун ҳимоячиси энг аввало, ўзи амалдаги қонунларни пухта ва мукаммал эгаллаган бўлиши зарур. Акс ҳолда, у хизмат жараёнида кўплаб қийинчилик ва муаммоларга дуч келиши мумкин. Бу борада сизларга қулайлик яратиш мақсадида газетамизда **«Қонунчиликдаги янгиликлар»** рукнини очишга қарор қилдик. Унда Сиз мамлакатимизда янги қабул қилинган Қонунлар ҳамда қонунларга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар билан мунтазам равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Марҳамат!

«ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР»

Изоҳ: таниқли ҳуқуқшуносларимиз эса ушбу рукнда ўз мақолалари ва фикр-мулоҳазалари билан қатнашишлари мумкин.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йилнинг 27-28 август кунлари бўлиб ўтган ўн тўққизинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. 2009 йилнинг сентябридан ана шу қонунлардан бири – "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Мазкур Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг экинзорларни пайҳон қилганлик, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказганлик ёки уни йўқ қилиб юборганлик, кўчатларга шикаст етказганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи 104-моддасига ўзгартишлар киритилиб, бундай ҳуқуқбузарликлар учун жазо чораси кучайтирилди.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Натижада фермерлик ҳаракати, деҳқон хўжаликлари фаолияти кенг ривож топиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлаш баробарида, уларни чет элга ҳам экспорт қилишга муваффақ бўлинмоқда.

Айни вақтда бу борадаги ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан даладаги ҳосилни нест-нобуд қилмасдан етиштириш ва йиғиб олиш билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўтган вақт мобайнида экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Шу мақсадда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, бу соҳадаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларига бутунлай барҳам берилганича йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида қайд этилганидек, кўплаб экинзорларнинг пайҳон қилиниши ва уларга зарар етказилиши фактлари мавжуд бўлиб, бу ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилининг анча миқдорда нобуд бўлишига олиб келмоқда. Шундай қилиб, ўтган давр мобайнида 2008 йилги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг пайҳон қилиниши ва уларга зарар етказилиши юзасидан 1600 та ҳолат аниқланган. Айниқса, бундай ҳолатлар Касби, Навбаҳор, Кармана, Мирзачўл, Янгиобод, Тахтакўпир, Шовот, Пастдарғом, Юқоричирчиқ, Сардоба, Ғиждувон, Поп, Бўз, Охунбобоев, Қизириқ ва бошқа қатор туманларда тез-тез учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг маълумотларига кўра, экинзорларнинг пайҳон қилиниши натижасида қишлоқ хўжалик экинлари етиштирувчиларига 2005 йилда 55 млн. сўм, 2006 йилда 94,7 млн. сўм, 2007 йилда 59,1 млн. сўм ва 2008 йилнинг 9 ойи давомида 64 млн. сўм миқдорида зарар етказилган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳамда бундай ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келди. Эндиликда янги қонунга мувофиқ, чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши учун айбдор фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солиниши белгиланди.

Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтганликда айбдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима жазоси белгиланади. Башарти, юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, айбдор фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонуннинг амалда самарали татбиқ этилиши мамлакатимизда қишлоқ хўжалик экинларини нест-нобуд қилмасдан етиштириш ва йиғиштириб олиш баробарида бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олинишига ҳамда масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Мамлакатимизда очиқ ва демократик сайловлар ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Сайлов қонунчилигининг ўзига хос тизими яратилди ва ушбу тизим янада такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўзлари сайлаган вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Буни таъминлашнинг асосий воситаси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидир. Мамлакатда сайлов ҳуқуқининг кафолатланганлиги – бу демократия ривож топганлигининг ёрқин кўрсаткичидир.

Бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар йили бўлганлиги сабабли фуқароларимизнинг сайлов тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида уларни сайлов қонунчилиги билан таништириб борамиз. Бу борада муштарийлардан тушган саволларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акрам Жумаев жавоб беради.

– 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтган эди. Навбатдаги сайловнинг олдинги сайловлардан фарқи нимада?

– Икки палатали парламент тизими ташкил этилганидан кейин 2004 йилда мамлакатдаги сиёсий партиялардан ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатилган эди.

Албатта, бу йил бўлиб ўтадиган сайловлар олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Ўтган йили «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов жараёнида номзодлар кўрсатишда иштирок этишини назарда тутувчи моддалар қонун нормаларидан чиқарилди.

– Яъни, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларни, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги салоҳияти ва роли кучайиб бораётганини инобатга олиб, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Умуман олганда, жамиятда сиёсий партияларнинг роли, таъсири тобора кучайиб бормоқда. Бу фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошиб бораётганлигида ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий ва сиёсий онги, маданияти юксалиб бораётганлигида яққол кўринади. Ёшлар ўзларининг бор қобилияти ва иқтидорини сиёсий партиялар орқали намоён эта бошладилар. Буларнинг барчаси сиёсий партияларнинг нечоғли юксалиб бораётганлигидан далолат беради.

Ўзгаришлардан яна бири Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сайлашда сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти жорий этилди. Мазкур вакилга сайлов участкаларида овозларни санаш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилиши ва шунга ўхшаш бир қатор нормалар киритилди.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Андижон вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ навбатчилик қисми ходимлари белгиланган йўналишларда хизмат олиб бораётган автопатруллар ва отлиқ гуруҳлар билан мунтазам алоқа боғлаб туришади. Бундан ташқари, бўлинма атрофидаги ҳудудни видеокамера орқали назорат қилиб боришади.

Суратда: *Навбатчилик қисми бошлиғи, сержант Ж. Парпиев ва унинг ёрдамчиси, кичик сержант О. Мадумаров хизмат пайтида.*

Б. КЛЕЙМАН олган сурат.

ЯНГИ НАШР

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, қонуний манфаатлари ҳимоясини Конституциясиз тасаввур эта олмайди.

ЁШЛАР ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Шу каби, ўтган давр ичида Конституциямиз ҳам жиддий ҳаётий синовлардан ўтди. Халқимиз ҳаётида бу муҳим ҳужжат асосида асрлар мобайнида юз бериши мумкин бўлган тенгсиз ўзгаришлар амалга оширилди. Юртимиз шўролар давридан мерос бўлиб қолган чуқур иқтисодий таназзулдан қутулди, ўтказилаётган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар туфайли бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт қарор топиб боряпти. Демократия тамойилларига асосланган миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизими шаклланмоқда, ижтимоий-маданий соҳа барқарор ривожланиб, кишиларимизнинг маънавий қиёфаси янгиланяпти, уларнинг онгига истиқлол ғояси тобора чуқурроқ сингиб борилмоқда, мустақил ёш давлатимиз халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаяпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституциясида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат хусусиятларига хос бўлган инсонпарварлик, демократия ва ижтимоий адолат, халқ ҳокимиятчилиги; давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши; Конституция ва қонунларнинг устуворлиги; шахсий дахлсизлик; мулкнинг дахлсизлиги; фикрлар хилма-хиллиги; фуқароларнинг миллатидан, ирқидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги; барчанинг қонун олдида тенглиги; фуқаро ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги каби кўплаб тамойиллар ўз аксини топган. Ушбу конституциявий тамойиллар алоҳида қонун ҳужжатлари воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятларига қараб тегишли шакл ва усулда ҳуқуқ меъёрларида ифода этилмоқда.

Конституция – барча қонунларимизнинг мажмуасидир. Қонун тарғиботи эса жамият ва шахс муносабатларидаги муомала меъёрларини изга солишда, онгни замон талаблари асосида шакллантиришда ўта муҳим вазифани ўтайди.

Яқинда «Тафаккур» нашриётида ҳуқуқшунос Наталья Темированинг «Ҳуқуқий тарғибот – давр талаби» номли илмий-оммабоп рисоласи чоп этилди. Юқорида баён қилинган фикримизни қувватлаб, Н. Темированинг ушбу рисоласи айнан ҳуқуқий тарғиботга, тарғиботни қандай амалга оширишга қаратилган бўлиб, айниқса, ёшларимиз учун муҳим қўлланма вазифасини ўташи мумкин.

Муаллифнинг узоқ йиллар ҳуқуқ-тартибот идораларидаги фаолияти, қолаверса, айни кунларда таълим-тарбия масканида ёшларга дарс бериши рисолани амалий ва назарий жиҳатдан бойитган. Рисолада шахс ва жамият, шахс ва табиат, оила ва давлат муносабатларидаги қонуний узвийлик қизиқарли мисоллар асосида чуқур таҳлил этилгани эътиборга моликдир. Ушбу рисола ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.



Анвар ХИДИРОВ,
Тошкент юридик коллежи директори ўринбосари.

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД

Бу воқеа 2000 йил декабрь ойида содир бўлган эди. Майдалаб ёгаётган ёмғирга «жўр» бўлаётган кучсиз шамол патруль-пост батальони ходимлари бардошини синовдан ўтказарди, гўё. Экипаж сардори, катта сержант Улуғбек Қурбонов Кўҳна қалъа маҳалласи бўйлаб «Нексия»да Урганч шаҳрининг тунги осудалигини кўздан кечирарди. Бир-иккита автомашиналарни ҳисобга олмаса, кўчада сокинлик. Аммо алоқа воситаси орқали соат 20.00 лар чамаси олинган хабар йигитларни янада сергакликка ундади.

– «Барча патруль экипажи аъзолари диққатига! Орзу кўчасида фуқаро Санар Рўзметовнинг уйига бир гуруҳ босқинчилар бостириб киришган. Улар қуролланган, қўлга олиш чоғида хавфсизлик чораларини кўринг!».

Улуғбек машинани воқеа жойига ҳайдашни буюрди. Беш дақиқада айтилган жойга етиб боришди. «Шовот» канали соҳили томон қочиб кетаётган шахсларга тўхташ ҳақида буйруқ берди. Қуролланган кимсалар қўшотар ов милтиғидан ходимларга қарата кетма-кет ўқ узди. Йигитлар чап бериб, босқинчиларни таъқиб эта бошланди. Кутилмаганда босқинчилар ўзларини каналга отишди. Нариги қирғоққа ўтишса қочиб кетишларига имкон туғиларди. Улуғбек ҳам қишнинг қаҳратонини писанд қилмай ўзини сувга отиб, улардан бирини қўлга олди. Жиноий гуруҳ етакчиси қочишга улгурди. Аммо узоққа боролмади, шу туннинг ўзидаёқ ушланди.

Диний-экстремистик оқимга қўшилиб, хорижий давлатларда ҳарбий тайёргарликдан ўтган, кейинчалик авф қилинган Т. Аҳмад бир муддат тинч юргандек эди. Аммо яна ўз атрофига ёшларни жалб қилиб, уларни ўзи туғилиб ўсган юртга нисбатан хиёнат қилиш, қўлига қурол олиб давлатни ағдариб ташлашга даъват этишни бошлади. Шу куни босқинчилар «Урганч» аэропортидаги «Москва – Урганч» йўналиши бўйича қатновчи йўловчи самолётини гаровга олиб, Афғонистонда жойлашган ҳарбий базалардан бирига қўндириши лозим эди. Бироқ 15 кишидан иборат жиноий гуруҳнинг режалари чиппакка чиқди. Вилоят ва Урганч шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида конституциявий тузумни ағдариб ташлашга уринганлар қўлга олиниб, улардан қурол-яроғ, турли диний-экстремистик руҳдаги адабиётлар ва бошқа ашёвий далиллар олинди. Улар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Улуғбек Қурбонов 20 йилдирки, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальонида хизмат қилиб келмоқда. Оддий милиционерликдан бошлаган йигитнинг эгнида бугун капитанлик юлдузлари ярашиб турибди. Капитан Қурбонов асли Чандор қишлоғилик. Полвонлар авлодидан эмасми боболарига тортган. Бақувват қўллари ушлаган жойини қўйиб юбормайди. Бир неча бор жиноятчилар билан тўқнашиб, ўғри, киссавур, талончи, босқинчиларнинг додини берган.

Бу йил капитан У. Қурбонов бошчилигида саккизта жиноят фош қилиниб, учта турли кўринишдаги жиноятлар содир этилишининг олди олинди. Шу йил 31 март куни Урганч шаҳар марказий деҳқон бозорида қўл остидаги ходимлар хизматини текшириш учун борганида фуқаро Ф. Навватов унга мурожаат қилиб, «Нокия – 5220» русумли уяли телефонини номаълум шахслар олиб қўйишганини айтади. У. Қурбонов бозор ҳудудида хизмат ўтаётган ходимлар билан биргаликда талончини қўлга туширишга муваффақ бўлди.

Албатта, бундай фидойилик ўзининг муносиб баҳосини олди. Юртбошимиз Фармонига биноан капитан Улуғбек Қурбонов «Жасорат» медали билан мукофотланди.

Хоразм ўзининг илм-фан, маданият, маърифати, жаҳонга донғи кетган олимлари билан тарих саҳифаларида ёркин из қолдирган улуғвор юрт. Жангу-жадалларда Ватани, халқи учун мардларча курашиб авлодларига ибрат бўлган миллий қаҳрамонларимиз Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангубердидек жасурлар юрти.

– Шундай юртда хизмат қилиш, унинг келажаги ва тараққиёти учун ҳисса қўшаётганимдан жуда ҳам мамнунман, – дейди Улуғбек Қурбонов. – Ушбу берилган мукофотни нафақат менга, балки барча сафдошларимга берилган деб биламан.

Ватан ва ватанпарварлик ҳисси ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган. Вилоят ИИБда капитан Улуғбек Қурбоновдек фидойи йигитлар кўп. Энг асосийси, ўсиб келаётган ёш авлодга ибрат бўлаётган сафдошларимизнинг сафи кундан-кунга кўпаймоқда. Бу эса юрт тақдири ишончли кишилар қўлида эканлигидан далолат беради.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,
майор.

Суратда: *вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони штаб бошлиғи, «Жасорат» медали соҳиби капитан Улуғбек Қурбонов.*

ХИЗМАТЛАРДА

Мамлакатимизда саноатчилар шаҳри сифатида танилган ва ишлаб чиқариш салмоғи йилдан-йилга ошиб бораётган Навоийни дўстлик ва биродарлик шаҳри ҳам дейишади. Негаки, бу ерда саксондан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Ана шу ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони зиммасига юклатилган. Ўтган давр мобайнида шахсий таркиб белгиланган вазифаларни бажаришда муваффақиятларга эришиб келмоқда.

БУРЧГА САДОҚАТ ҲИССИ

Патрулларнинг йўналишлари жамоат жойларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар таҳлилидан келиб чиқиб белгиланган. Хусусан, бозорлар, истироҳат боғи, марказий кўчалар ҳамда одамлар гавжум бўладиган хиёбонларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хизмат кечаю кундуз ташкил этилган бўлиб, ходимларнинг зарур автотранспорт, замонавий алоқа воситалари билан таъминлангани самарадорликни оширмоқда. Саъй-ҳаракатлар туфайли шу йилнинг 9 ойида қидирувда бўлган 25 нафар шахс ушлангани, беш нафар бедарак йўқолганлар топилиб, яқинларига топширилгани, 117 та жиноят бевосита патруль-пост хизмати ходимлари томонидан фош этилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Айрим кимсалар қилмишимни тун пардаси яширади, деб ўйласалар керакки жиноятни кечаси содир этишади. Билишмайдики, тунларни тонгларга улаб хизмат ўтаётган осойишталик посбонлари бундай хомхаёлларини пучга чиқаришади. Шу йил 19 августга ўтар кечаси соат 22.00 ларда Навоий шаҳри, 10-кичик туман ҳудудида патруль-пост йўналишига жалб этилган ходимлар кимнингдир ёрдам сўраб бақирганини эшитиб, зудлик билан воқеа жойига етиб боришди. Ёнида қизчаси билан йиғлаб турган аёл икки йигит уяли телефонини олиб қочиб кетганлигини айтди. Зийрак ходимлар томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида талончилар узоққа кетиб улгуришмади. Улар ашёвий далил билан қўлга олиниб, шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига топширилди.

– Бундан ташқари қанчадан-қанча жиноятларнинг олди олинмоқда. Чунки ходимларимизнинг жамоат жойларида кечаю кундуз хизмат олиб боришининг ўзи самарали профилактик тадбир саналади. Барча байрамлар, оммавий тадбирлар, халқ сайиллари ва театрлаштирилган томошалар, концерт дастурларини тинч ва осойишта ўтишини таъминлаш борасида ҳам барча имкониятларни ишга солаяпмиз, – дейди батальон командири, майор Фазлиддин Бозоров.

Дарҳақиқат, қалбида Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат ҳисси жўш уриб турган ходимлар ҳудудда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши кундалик хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришларига боғлиқ эканлигини яхши билишади.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
катта сержант.
Навоий вилояти.

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

КЕЧИРИБ БЎЛМАС БЕПАРВОЛИК

Кутилмаганда Кичик Ганжиравон қишлоғида одамларнинг бақир-чақири авжига чиқди. Қўни-қўшнилар Турсунали Ибрагимовнинг уйини «ямлаётган» оловни тизгинлашга шошилдилар. Аммо то ёнғин ўчирувчилар етиб келмагунча бу уринишдан ҳеч қандай наф бўлмади.

Офат бартараф этилгандан кейин маълум бўлишича, электр симларнинг қисқа туташуви оқибатида келиб чиққан ёнғин хонадоннинг 80 квадрат метр қисмини яроқсиз ҳолга келтирганди. Энг ёмони, хонадон соҳибининг падари бузруквори Исмоилжон ота қўллари ва юз қисми куйиб, жароҳатланганди. Уни зудлик билан шифохонага олиб боришга тўғри келди.

Умуман олганда жорий йил бошидан бери Данғара туманида 35 та ёнғин ҳодисаси рўйхатга олинди.

– Тўғри, бу йилги ёнғинлар ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичлар билан таққослаганда тўрттага камайган, – дейди туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Илёсжон Бобоев. – Аммо бу хотиржамликка берилишимизга мутлақо асос бўлолмайди. Ахир шу мусибатлар оқибатида бир кишининг бевақт вафот этгани ва 9 нафар ҳамюртимиз куйиш билан боғлиқ жароҳат олганлигидан кўз юма олмаймиз. Агар азият чекканлар ўрнига хаёлан ўзимизни қўйиб кўрсак, етказилган мусибат кўз ўнгимизда рўй-рост намоён бўлади.

Назаримизда ЁХБ бошлиғининг навбатдаги мулоҳазаларида ҳам жон борга ўхшайди.

– Мустақиллик шарофати билан аҳолининг турмуш фаровонлиги тобора юксалмоқда, – деб сўзини давом эттирди Илёсжон Бобоев. – Буни маҳаллаларимизда қад ростлаётган янги-янги бинолар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, ҳамюртларимиз бир неча миллион сўмлаб пул сарфлаб, турар-жойларини янгилаяптилару, аммо айримлари эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган электр ва газ ускуналарини арзимаган пул эвазига таъмирлашга ҳафсала қилмайдилар.

Бу йилги ёнғинларнинг деярли ҳаммаси аҳоли турар жойларига тўғри келиши ва ҳар бир мусибатга фуқароларимиз томонидан йўл қўйилаётган ана шу бепарволик сабаб бўлаётганлиги аччиқ ҳақиқат.

Шу кунларда кўп сонли аҳоли онгида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига ҳурмат ва итоатни шакллантириш туман ИИБ ЁХБ ва 12-КЁХҚ ходимларининг асосий вазифасига айланган. Улар шу мақсадни амалга ошириш учун 173 та корхона, ташкилот ва муассасаларда, хусусий масканларда, 28 минг 600 та аҳоли турар жой биноларида бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига нечоғлик риоя этилаётганлигини ўрганиб чиқдилар. Хавфсизлик талаблари ҳамда меъёрларига жавоб бермайдиган масканлар фаолияти токи кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб қўйилди. Носоз печка, қурилма ва иситиш мосламаларидан 726 таси вақтинча манбадан узиб қўйилди.

Олдинги огоҳлантиришлардан тўғри хулоса чиқармаган ва айтилган камчиликларни бартараф этишга панжа орасидан қараган шахсларнинг 40 нафаридан жарима ундирилди. Ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар келгусида ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Раҳмонали ҚОСИМОВ.
Фарғона вилояти.

НИГОҲ

МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ ВОСИТА

Бундан роса 20 йил муқаддам ўзбек миллатининг пешқадам вакиллари, хусусан, филологлар, журналистлар, зиёлилар, айниқса, республика раҳбариятининг қатъияти, жасорати эвазига ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши собиқ шўро тузуми ва мафкурасига берилган кучли зарбалардан бири сифатида баҳоланмоғи лозим. Тоталитар тузум жон-жаҳди билан ўз мавқеини сиёсат саҳнасида сақлаб қолишга уринаётган кезларда она тилига бундай эътиборнинг қаратилиши, муболағасиз, мустақиллик йўлида қўйилган дастлабки фавқулодда муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунини ҳаётга татбиқ этиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республика сиёсатининг таркибий қисми бўлмиш қонунни босқичма-босқич, изчил рўёбга чиқариш мақсадида Давлат дастури ишлаб чиқилди, шу асосда мамлакатда кенг қамровли ишлар олиб борилди. Қонун ижросини ўрганадиган, мониторинги билан шуғулланадиган комиссиялар, ишчи гуруҳлар тузилди, улар ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Миллий истиқлол туфайли ўз тараққиёт йўлига қайта тушиб олган она тилининг табиатига мос мезонларни ишлаб чиқиш, унут бўлган анъаналарни қайта тиклаш, софлигини таъминлаш, келажак истиқболларини белгилаш каби устувор жиҳатларга алоҳида диққат қаратишда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қатори «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури дастуриламал вазифасини ўтади.

Ўтган вақт давомида «Давлат тили ҳақида»ги ҳамда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунлар ва уларни амалга ошириш Давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан улкан ишлар қилинди. Чунончи, Қонуннинг 4-моддасига биноан ўзбек тилини билмайдиган республика фуқароларини бепул ўқитиш курслари ташкил этилди, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритишни давлат тилида олиб боришга сезиларли даражада эришилди. Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги меъёрлари ва илмий қоидаларига риоя қилиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. Муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари муҳрлари, тамғалари, иш қоғозлари матнларининг беистисно давлат тилида бўлишига эришилганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Лавҳалар, эълонлар, нархномалар, кўргазмали ва оғзаки ахборот матнларини давлат тилида расмийлаштириш муайян даражада ўз ифодасини топди. Оммавий ахборот воситалари, телекўрсатув ва радио эшиттиришларида давлат тилининг улуши устуворлик қилмоқда.

Қонуннинг 22-моддасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ жой номлари тартибга солинди, кўча, хиёбон, бекатлар, маданий-маиший муассасалар шўролар даври билан боғлиқ эски номлардан тозаланди, уларга халқ тарихи, миллат руҳияти, мустақиллик мафкурасини ўзида мужассам этган номлар берилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида таълим тизимини давлат тилидаги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, бадиий адабиётлар билан таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг узвий қисмига айланди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, институт ва университетлар кутубхоналари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган илмий, бадиий ва ўқув адабиётлари билан таъминланган. Айни чоғда бу йўналишда мутахассислардан ҳали анчагина тер тўкиш талаб этилади.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кунни умумхалқ байрами тарзида нишонлаш анъанаси ёшларни она тилига ҳурмат ва эъзоз руҳида тарбиялашда, аждодлар меросига иззат ва эҳтиром билан муносабатда бўлишда муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамият касб этмоқда. Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур таваллуд кунларини нишонлашда улар олиб борган фаолиятни давлат тили тушунчасига боғлаб талқин этиш ўзини тўлақонли оқламоқда.

Шу билан бирга, Қонунни ҳаётга татбиқ этишда муайян камчилик ва нуқсонлар ҳам мавжуд. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг ижроси юзасидан таҳлилий материаллар деярли босилмаяпти. Пойтахт марказий кўчаларидаги савдо шохобчалари, умумий овқатланиш жойлари, бозорлар, реклама материалларининг аввал давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши ундан сўнг бошқа тилларда таржимаси берилиши қонунлаштирилганига қарамай, улар баъзан тўғридан-тўғри бошқа тилларда битилмоқда.

Тайёрланаётган кўргазмали ахборотлар матнини ўзбек адабий тилининг имло қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя қилган ҳолда тайёрланишига жиддий эътибор берилмоқда, деб бўлмайди. Адабий тил меъёрларининг бузилиши, айниқса, нодавлат киностудиялар маҳсулотларида, нодавлат радиоканаллар эшиттиришларида яққол кўзга ташланади.

Модомики, миллатни бирлаштирувчи, бирлигини таъминловчи она тилига эътибор масалаларига алоҳида диққат қилиш талаб этилар экан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, у оддий меҳнаткаш, зиёли ёки раҳбар бўлишидан қатъи назар, она тилининг чинакам ҳимоячиси, соҳиби бўлмоғи лозим. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади... Она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар».

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири, профессор.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

Куз келиши билан юмушлар кўпайиб барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, жумладан, тракторларнинг йўлларда қатнови кўпайиб бормоқда. Аммо ҳайдовчилар томонидан «Йўл ҳаракати қоидалари» талабларини кўпол равишда бузилиши, йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларини менсимаслик, тегишли ҳужжатларсиз ва носоз транспорт воситасини бошқариш, ҳатто трактор тиркамаларида йўловчи ташишдек қоидабузарликлар оқибатида кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари содир этилмоқда.

ТРАКТОРГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Масалан, «Урганч – Шовот» автомобиль йўлида фуқаро Қ. Ускинов «МТЗ – 80» русумли тракторни чапга бураётганида қаршисидан келаётган «ВАЗ – 2108» русумли автомобилни ўтказиб юбормай тўқнашув содир этди. Натижада икки киши ҳаётдан кўз юмди. Бир нафар фуқаро ва вояга етмаган бола эса тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

«Жиззах – Гагарин» автомобиль йўлида Дўстлик тумани «Темир қадам» фермер хўжалиги тракторчиси С. Худойбердиев ўзига бириктирилган «Т – 28Х4» русумли тракторни бошқариб бораётиб, йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган «Нексия» русумли автомобилга урилиб кетди. Бунинг оқибатида икки фуқаро вафот этди, бир йўловчи касалхонага ётқизилди.

Аксарият ҳодисалар автомобиль ҳайдовчилари тракторлардан фойдаланиш қизғин паллага кирган пайтда эътиборсизлик қилишлари оқибатида рўй бермоқда. «Дўстобод – Кўрғонча» автомобиль йўлида ҳайдовчи О. Икромов «Матиз» русумли автомобилни бошқараётиб қаршисидан келаётган «ТТЗ – 8011» русумли трактор билан тўқнашиб кетди. О. Икромов ҳаётдан кўз юмди, йўловчи С. Тараканов тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Трактор ва тиркамаларда ёруғлик қайтаргичлар, тиркамаларнинг шатакдан чиқиб кетишидан сақлаш учун захирадаги занжирлар ва маҳкамловчи бармоқлар, ёритиш ва ишора чироқлари йўқлиги, ҳатто тормоз тизимлари ишламаслиги ҳолатлари аниқланмоқда. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт воситаларини сақлаш, уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш бўйича бир қатор профилактик ишлар олиб борилаётганига қарамай транспорт воситаларини техник носоз ҳолда, спиртли ичимлик истеъмол қилиб бошқариш ҳолатлари учраб турибди.

Барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, айниқса, тракторлар, уларга бириктирилган ҳайдовчиларда тегишли ҳужжатлар ва йўналиш варақалари бўлиши шарт. Трактор тиркамаларида одам ташиш каби кўпол қоидабузарликка йўл қўймаслик юзасидан аниқ чоралар кўрилса, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ижобий натижаларга эришилади.

М. ҲАСАНОВ,
ИИВ ЙҲХББ бўлим бошлиғи, подполковник.

КАСБИМ-ФАХРИМ

ЭЪТИБОР, ҒАМХЎРЛИК НИШОНАСИ

Ички ишлар ходими бўлиш болаликдаги орзуйим эди. Астойдил ҳаракатим, интилишларим зое кетмади. Танловдан муваффақиятли ўтиб, Файзулла Хўжаев тумани ИИБга қарашли соқчилик бўлимида сафдор лавозимида иш бошлаганимда мендан бахтли киши йўқ эди. Мана, шунга ҳам 21 йил бўлибди. Ўтган йиллар давомида кинология соҳасида турли лавозимларда фаолият кўрсатдим. Тажриба ва малакага эга бўлдим. Жамоада, ҳамкасбларим орасида ўз ўрнимни топдим, эътибор қозондим.

Кинолог-йўриқчи, сержант Қаҳрамон Баҳромов, вилоят ИИБ жиноят қидирув бўлими тезкор вакиллари, капитан Шафидин Содиқов ва майор Шамил Тўхтаровнинг фаолияти бир пайтлар мен учун катта мактаб бўлган эди, бугун эса ўзим кўп йиллик тажрибамни ёшларга бажонудил ўргатаяпман.

Бириктирилган хизмат итлари ёрдамида мунтазам ЙПХ масканлари орқали кириб келаётган транспорт воситаларини текширувдан ўтказиш, гиёҳвандлик моддалари, моддий-товар бойликларини ноқонуний олиб ўтилиши ҳолатларини аниқлашдек масъулиятли вазифани бекаму кўст бажариш учун ҳамкасбларим билан астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Туну кун фидойилик билан қилинган хизмат бесамар кетмади. Бунга мен ўз фаолиятим давомида яна бир бор амин бўлдим. Истиқлолимизнинг 18 йиллик айёми арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Менинг кўп йиллик оддий хизматим республика миқёсида юксак баҳоланди. Бу биргина менга эмас, бутун вилоят ички ишлар идоралари ходимларига билдирилган юксак ишонч. Бундай эътиборга осойишталик йўлида самарали фаолият кўрсатаётган кўплаб ходимларимиз муносиб, деб ҳисоблайман.

Шукрулло КАТТАЕВ,
вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ инспектор-кинологи, "Шуҳрат" медали соҳиби.
Бухоро вилояти.

СУРАТЛИ АХБОРОТ

Тошкент вилояти ички ишлар идораларида устоз ва шогирдлик анъанаси яхши йўлга қўйилган. Кўп йиллик тажрибага эга офицер ва сержантлар ёшларга хизматнинг сир-асрорларини ўргатиб келишмоқда.

Суратда: Оҳангарон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор Б. Кимсанбоев шогирди – туман ИИБ ҲООБ катта инспектори, кичик сержант О. Эшбоевга ҳужжатларни юритиш бўйича маслаҳат беряпти.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ САБОҚ

ЮНЕСКОНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАГИ ЎРНИ

Яқинда ЮНЕСКО Бош конференциясининг Парижда бўлиб ўтган 35-сессиясида Ўзбекистон Республикаси ҳам кўпчилик овоз билан 2009-2013 йилларга ушбу халқаро ташкилот Ижроия кенгашининг аъзоси этиб сайланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти ЮНЕСКО (инглизча Unecko. United Nations Edukational, Scientific and Cultural Organisation) 1946 йилда тузилган. Ушбу халқаро нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасаси бўлиб, жаҳон давлатлари ўртасида маориф, фан маданият ва коммуникациялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, шу билан бирга, дунёда тинчлик ва халқаро хавфсизликка кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган.

ЮНЕСКО ташкил топгандан буён 190 га яқин давлат унга аъзо бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг бу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлганига ўн олти йил бўлди. Аниқроғи, 1993 йил 26 октябрда Ўзбекистон Республикаси ҳам ЮНЕСКОга аъзо давлатлар қаторига қўшилди.

ЮНЕСКО ташкил топгандан кейинги йилларда жаҳон халқлари орасида саводсизликка қарши кураш фаолиятининг асосини ташкил этди. Осиё ва Африка қитъаларидаги мустамлака асоратидан қутилган мамлакатларда саводсизлик даражаси юқори бўлган. Шу боис ҳам ЮНЕСКО бу давлатларда саводсизликни тугатиш юзасидан муайян ишлар олиб борди. Моддий ёрдам кўрсатиш билан бирга, мактаблар очиш, педагогик кадрлар билан таъминланишида ҳам зарур ишларни амалга оширди.

Маданий ёдгорликлар халқларнинг бебаҳо бойлигидир. Уларни асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказиш лозим. Қадим-қадимдан дунё халқлари ўз миллий меъморчилик услубида кўплаб бинолар, иншоотлар қурган. Кишини ҳайратга соладиган, инсон ақл-заковатининг энг нодир намуналари ҳисобланган саройлар, масжидлар, черковлар, мадраса ва бошқа бинолар жаҳон маданиятига дуру-жавоҳир бўлиб қўшилган. Бироқ уларнинг бир қисми давлатлар, шоҳликлар, миллатлар ўртасидаги қирғинбарот урушларда вайрон этилган, ёқиб юборилган. Яна бир қисми табиий офатлар туфайли зарарланган ёки бутунлай бузилиб кетган. Аммо яна кўплаб меъморий ёдгорликлар, ҳунармандчилик ишлари бизнинг давримизгача сақланиб келмоқда. ЮНЕСКО томонидан кўплаб машҳур, дунё аҳлини лол қолдирадиган саройлар, мадраса, мақбара ва бошқа обидалар рўйхатга олинган, уларни давлат миқёсида сақлаш, зарур ҳолларда таъмирлаш ишлари назорат қилиб борилади.

ЮНЕСКО шунингдек, география, океонография, геология, гидрология, социология, коммуникация ва бошқа соҳаларда глобал илмий муаммоларни ҳал этишда ҳам ҳамкорлик қилади. Бир сўз билан айтганда, ЮНЕСКО Низомида таъкидланганидек «...ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча халқлар учун адолатга, қонунийликка, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумий ҳурматни таъминлаш мақсадида таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш орқали халқлар ҳамкорлигига» кўмаклашади. Бу унинг устувор вазифаси ҳисобланади.

ЮНЕСКО ҳозирги кунда дунёдаги 400га яқин халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва жамгармалар, ҳудудий бирлашмалар билан ҳамкорлик қилади. Унинг қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган бўлиб, Бош директор раҳбарлигидаги Котибият дунёдаги барча мамлакатларда вакилликлар ҳамкорлигида иш олиб боради.

Бу нуфузли ташкилот томонидан икки йилда бир марта жаҳондаги таълим, фан, маданият ва коммуникация янгиликлари, амалга оширилган ишлар, ихтиролар ва бошқалар тўғрисида маърузалар чоп этилади. ЮНЕСКО томонидан жаҳоннинг ўттиз тилида нашр этиладиган «ЮНЕСКО куръери» журналида ташкилот томонидан олиб борилаётган ишлар, жойлардаги комиссиялар, Ижроия кенгашининг фаолияти кенг ёритиб борилади.

ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тарихи, айниқса, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини бутун дунёга тарғиб этишдаги ишлари катта аҳамиятга эга. Масалан, «Ипак йўли – мулоқот йўли» жаҳон дастури ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё цивилизациялари тарихини ўрганишга бағишланган бўлиб, у БМТнинг маданий тараққиёт бўйича бутун дунё ўн йиллиги(1989-1999 йилларда) тадбири доирасида ўтказилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Буюк ипак йўли тадбири давомида ва ўтган қатор йилларда ЮНЕСКОнинг саъй- ҳаракати билан бутун жаҳон мулкини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорликлар, жумладан, Самарқанд, Хива, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг қадимий обидалари Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди.

ЮНЕСКО томонидан яна жаҳон фани, маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк олимларнинг таваллуд кунларини бутун дунё миқёсида нишонланиши учун махсус қарорлар чиқарилиши ва ташкилотчилик ишларига ҳамкорлик қилиниши унинг нуфузини янада ошириб боряпти. 1973 йилда буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги нафақат республикамизда, шунингдек, қатор хорижий давлатларда, хусусан Ҳиндистон, Покистон, бир қатор Европа мамлакатларида ҳам нишонланди. Бунда ЮНЕСКОнинг ҳиссаси катта бўлди. Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги дунёнинг беш қитъасидаги мамлакатларда нишонланганлигини ҳам эслаб ўтиш ўринли. Ана шу муносабат билан ЮНЕСКО қарорига биноан Абу Али ибн Сино номидаги халқаро мукофот таъсис этилди. Юртбошимиз Ислом Каримов юксак умуминсоний қадриятларни ривожлантириш ва тарғиб этиш, илмий ва маданий меросни тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш, миллатлараро ва динлараро дўстлик ва тотувликни таъминлаш, халқаро таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги катта хизматлари учун Абу Али ибн Сино номидаги ҳамда «Боробудур» олтин медаллари билан тақдирланган.

1994 йилда яна ЮНЕСКО қарорига биноан буюк давлат арбоби ва олим, фалакиёт илмининг беназир намояндаси Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейи дунё миқёсида кенг нишонланди. Улуғ олим яратган, жаҳон илм аҳли эътироф этган илмий асарлар кўплаб тилларга таржима этилди.

1996 йил шўролар даврида босқинчи, адолатсиз шоҳ дея таърифланган Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашда ЮНЕСКО ташкилотининг ҳиссаси катта бўлди. Буюк Соҳибқирон бобомизнинг жаҳон тамаддунига қўшган беқиёс хизматлари эътироф этилди. Айнан ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида Амир Темур ҳафталиги ўтказилиб, «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Бу нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Франция Президенти Жак Ширак, юздан ортиқ давлатлардан келган олимлар иштирок этдилар.

Шунингдек, Хива, Бухоро ва Термизнинг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашда ҳам ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлик қилди. Бу шаҳарларнинг ўтмиши, жаҳон тамаддунидаги ҳиссасини акс эттирувчи фильмлар яратилиб, бутун дунёга тарқатилди. Мазкур шаҳарларга саёҳатга келувчилар учун ташкилотчилик қилаётган сайёҳлик фирмалари фаолиятига яқиндан ёрдам берди.

Ислом оламида буюк муҳаддис номи билан улуғланиб, унинг беқиёс хизматлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган улуғ бобомиз Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланди. ЮНЕСКО қарорига биноан бир қатор мамлакатларда Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва муҳаддислик фаолиятига бағишланган илмий анжуманлар ўтказилди. Унинг Ислом мамлакатларида Қуръондан кейинги улуғ китоб ҳисобланган «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» китоби кўп тилларга таржима қилиниб, чоп этилди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссасини бутун жаҳон аҳли яхши билади. Европада китоб босмаси йўлга қўйилганда дастлаб Аҳмад ал-Фарғонийнинг илмий асарларининг таржимаси босмадан чиқарилганининг ўзи бу улуғ олимга бўлган эътироф, ҳурмат ва эътиборнинг юксаклигидан дарак беради. Ана шу маълумотлар ва буюк ватандошимизнинг илму фан олдидаги хизматларини акс эттирувчи мақолаларнинг чоп этилишида ЮНЕСКО томонидан зарур кўмак берилди.

1999 йилда халқимизнинг ўлмас мероси «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги нафақат Ўзбекистонда, шунингдек, туркий халқлар ва дунё ҳамжамиятида ҳам муносиб нишонланди. Мазкур халқ достони кўплаб тилларга таржима этилди. Бу ишларда ҳам ЮНЕСКОнинг ҳамкорлиги катта бўлди. Авесто китобининг 2700 йиллиги ҳам халқаро миқёсда байрам қилинганлигини айтиб ўтиш ўринли. Жаҳондаги кўплаб китобларнинг яратилишида Авестонинг аҳамияти катта эканлигини дунё олимлари эътироф этдилар. Китобнинг кўчирилган нусхаларини топиш, чоп этиш ва таржима этилишида ҳам ЮНЕСКО ҳамкорлик қилди.

Мана, бир неча йилдирки, замин сайқали Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келиняпти. Йилдан-йилга нуфузи ортиб, атрофига кўплаб халқларнинг вакилларини жалб этаётган фестивални ўтказишда ЮНЕСКО раҳнамолик қилмоқда.

Сурхондарёнинг Бойсун туманида ҳам ҳар йили фольклор фестивали ўтказилиб келиняпти. Халқимизнинг қадимдан давом этиб келаётган куй, қўшиқ, лапар ва айтишувлари намойиш этиладиган бу мусиқий тадбирнинг ўтказилишида ЮНЕСКОнинг муносиб ўрни бўляпти. Бойсун фольклори ва Шашмақом инсониятнинг маданий ва маънавий мероси дурдоналари деб эълон қилинди. Шунингдек, халқимизнинг ўлмас маданий мероси — катта ашула ва асрлар бўйи нишонланиб келинаётган Наврўз умумбашарий мерослар қаторидан ўрин олди.

Бир сўз билан айтганда, ЮНЕСКОнинг республикамизда фан, маданият ва маорифнинг ривожига қўшаётган муносиб ҳиссасини кўпгина миссоллар билан эътироф этиш мумкин. Бу борадаги ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик янада юқори босқичга кўтарилади, деган умиддамиз.

Садриддин АБДУЛЛАЕВ.

ЮРАК ҚАТИДАГИ СЎЗЛАР

ҲАМИША БАРҲАЁТСИЗ, ДАДАЖОН!

Дадажон, уйимизга ойимнинг, сизнинг ҳамкасбларингиз, қариндошларимиз келишди. Бугун Ёдгоржоннинг туғилган куни эди-да. У жуда кўп совға олса-да, негадир хафа эди. Ишлар билан бўлиб негалигини сўрай олмадим. Меҳмонлар кетгач, унинг олдига кираётсам, укажоним суратингизга тикилиб: «Дадажон, бу йил ҳам туғилган кунимга келмадингиз-а? Мен сизни жуда соғиндим. Келаси йил ка-аатта машина олиб келасиз-а, дадажон?» деяётганини эшитиб, йиғлаб юбордим. Укажоним худди сизга ўхшайди. Бувимнинг айтишларига қараганда, сиз ҳам болалигингизда шунақа бўлган экансиз. Сиз Ёдгоржонни кўролмай кетдингиз-да... Шунақа шўх, шунақа ўт-оловки, бир зум тинмайди. Бувим: «Фахриддиним болалари тимсолида яшаяпти, илоҳим умрларинг узун бўлсин» дейдилар.

Синглим Шаҳзода ҳам яхши юрибди. Бўйлари чўзилиб, қошу кўзи тобора сизга ўхшаб бормоқда. У инглиз тилидан қўшимча дарслар оляпти, математика фани бўйича синфида ундан зўр биладиган ўқувчи йўқ. Ойижоним бизга билдирмайдилар-у, лекин сизни кўп ўйлайдилар. Ўрнингизни билдирмасликка интиладилар. Шунинг учун ҳар доим ойим нима десалар албатта, бажарамиз. Сизни соғинганимизни айтмаймиз, хафа қилмасликка ҳаракат қиламиз. Чунки, сизсиз ойимга шундоқ ҳам қийин-да. Бир куни мактабдан келсам, мижжалари қизарган. Йиғлаганликлари сезилиб турарди. Дастурхон безатилган, меҳмон кутишга ҳозирлик кўрилаётгани билиниб турарди. Шунда бугун сизнинг туғилган кунингиз эканлиги ёдимга тушди. Кечга томон ҳамма қариндошлар жамулжам бўлдик. Ўз байрамингизда ўзингиз йўқлигингиз жуда билинди, дадажон!

Сиз «Чорсу»да содир бўлган портлашда ҳалок бўлгач, анча вақтгача бу бозорга боролмай юрдим. Энди эса қачон у ерга борсам, юрагим эзилади. Негадир... Сизни у ердан излайвераман, излайвераман, аммо тополмай юрагим қон бўлиб қайтаман.

Дадажон, ҳар доим ортимда кимдир бордек туюлади, бирор қарорга келишга иккилансам, дилимда недир йўл кўрсатади, ўша нарса сиз бўлсангиз керак-а? Бу йил тўққизинчи синфни тугатаман. Баъзи синфдошларим аллақачон қайси касб эгаси бўлишини аниқлаб олган. Мен эса ўйлаяпман. Шифокорликни танласам-ми ёки ўқитувчиликни? Балки, сизга ўхшаган ички ишлар ходими бўларман. Қайси касбни танласам ҳам сиздек фидойи, яхши инсон бўламан. Ҳозир эса дарс тайёрлаяпман. Кеча она тилидан иншо ёзиб келинглар деб уйга вазифа берилганди. Мен сиз ҳақингизда ёздим. Сизга ҳам ўқиб берайми?

«Дунёда ҳамма нарса ўз жуфти билан яралган. Ҳатто, яхшилик ҳам. Унинг жуфти ёмонлик бўлса керак. Чунки, кун бор жойда тун, қуёш бор ерда ой бордек, яхши ниятлар бор жойда, ёмонлари ҳам бўлади. Менинг дадам ҳам ёмонларга қарши курашишни, тинчликни асрашни асосий мақсадлари деб билардилар. Дадам бизни қанчалар яхши кўрсалар, юртдошларини ҳам шунчалик яхши кўрардилар. Шунинг учун ҳам ёмон ниятли кишилар ёвуз мақсадларини амалга ошира олмасин, деб тинчлик учун ўз жонларини аямадилар. Ҳамманинг қайғусига ҳамдард, шодлигига шерик бўлардилар. Эгнига форма кийган ходимларни кўрсам, дадамни кўргандек бўламан. Чунки, уларнинг ҳам мақсади бир – юртимизни тинч, осойишта асраш!»

Дадажон, сиз биздан хавотир олманг, фақат тушларимга кириб турсангиз бўлди. Кун келади, барчамиз яхши ўқиб, сизнинг жасоратингизга, ойимнинг садоқатига муносиб фарзанд бўламиз!

Хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган, катта сержант «Жасорат» медали соҳиби, Фахриддин ТИРКАШЕВнинг қизи Шаҳноза РАЖАБОВА.

ХОТИРА

МАНГУБЕРДИ КАМАРИН БОҒЛАБ КЕТДИНГ, УКАЖОН!

2004 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида содир этилган хунрезлик оқибатида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг, шу жумладан, Фахриддин Тиркашевнинг ёркин хотирасига бағишлайман.

Икки қизинг юрагин доғлаб кетдинг, укажон,
Мангуберди камарин боғлаб кетдинг, укажон.
«Ота» дегиси келиб, жавдирайди полвонинг,
Армон бўлиб қолдими бир бор қўлга олмоғинг?!

Юрт олдидаги бурчинг оқлаб кетдинг, укажон,
Истиқлол, истиқболни ёқлаб кетдинг, укажон.
Ватан-чун жонинг тикиб, мангуликка чоғландинг,
Энди сени унутмас юртинг, халқинг, фарзандинг.

Ёддан чиқмайди сира сенинг айтган сўзларинг,
Кўз олдимда ҳамиша чақнаб турган кўзларинг.
Қалбида сақлар сени қиёматли дўстларинг,
Хотирамда сен мудом юлдуз бўлиб порларсан,
Юракларни мардлигу матонатга чорларсан.

Муҳаммадшер ОТАБОЕВ.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ

Ҳафтанинг биринчи ярмида шахсий муносабатларни мустаҳкамлаш чораларини кўришни маслаҳат берамиз. Ҳаётингизда ишқий саргузаштлар бўлиши мумкин, бироқ бу борада эҳтиётқорлик зарур бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қалтис, таваккал ишлардан четроқ юрган маъқул. Инвестиция, кредит масалаларини ҳал этиш учун қулай бўлади. Ўзингизга ишонган ҳолда иккиланмасдан ҳаракат қилиш кераклигини унутманг.

СИГИР

Юлдузлар бу ҳафтада яқин қариндошлар, оила аъзолари билан тортишув бўлиши эҳтимоли борлигидан огоҳлантиради. Оғир, босиқ бўлиб, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилган маъқул. Ишда мавқеингизни ошириш имконияти ҳам туғилиши мумкин. «Эрхотин қўш ҳўкиз» нақлига амал қилиб, ҳар бир ишга бамаслаҳат киришсангиз омад кулиб боқиши мумкин. Саломатликни сақлашга ҳам эътиборли бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР

Ҳафтанинг биринчи ярмида ижод борасидаги иқтидорингизни ишга солсангиз, танлов, мусобақаларда ғолиб бўлишингиз мумкин. Ишқий учрашувлар, ўйин-кулгу ва кечаларга бой бўлади. Маиший, қурилиш, таъмирлаш ишларини кейинга қолдириб, дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун вақт ажратган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида саломатликни сақлаш, мустаҳкамлаш ва даволанишга киришишни маслаҳат берамиз.

ҚИСҚИЧБАҚА

Кўчмас мулк, банк, молия, мерос, суд ишларини ҳал этиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулай келади. Ўйин-кулгу, сайру томошаларга ортиқча пул сарфламасликни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида янги танишувлар, ишқий муносабатлар учун имконият туғилиши мумкин. Бироқ воқеаларни тезлаштириш, жадаллаштиришга уринманг. Эҳтиросли ўйинлардан четроқ юрган маъқул.

АРСЛОН

Айрим масалалар ҳақида турмуш ўртоғингиз билан жиддий маслаҳатлашиб, бир-бирингизни тўғри тушунишга ҳаракат қилинг. Ўзаро ишончни мустаҳкамлаш имкониятини қидириб топишга тўғри келади. Ота-она, яқин қариндошлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун қулай бўлади. Бу борада турмуш ўртоғингизнинг розилигини олишни унутманг. Оилавий кенгаш, маслаҳатлашиш учун ҳам вақт ажратиш лозим.

БОШОҚ

Ҳафтанинг биринчи ярмида кўп янгиликлар, ахборотлар эшитасиз. Бироқ ҳаммасига ишонавериш ярамайди. Алданиб қолмаслик учун ҳар бир хабар, янгиликни текшириб кўриш лозим. Ҳафтанинг иккинчи ярми дўстлар, яқинлар билан суҳбатлашиш, мулоқот қилиш учун қулай бўлади. Дўстлар билан учрашганда кундалик ишлар, мавқеингиз, маошингиз, мукофотлар ҳақида гапирмаганингиз маъқул.

ТАРОЗИ

Ижодий фаолият, спорт билан шуғулланаётганлар учун ҳафтанинг биринчи ярми омадли келиши кутилмоқда. Қўлга тегмаган пулни қандай сарфлашни ўйламай, уни топишга ҳаракат қилиш лозим. Ҳафтанинг иккинчи ярмида молия масалалар, сарф-харажат, даромад, оилавий бюджетни таҳлил қилиб олишни маслаҳат берамиз. Ўйин-кулгу, сайру саёҳатлар учун пулни камроқ сарфлаш керак бўлади.

ЧАЁН

Ўз муаммоларингиз, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ечимини топишга тўғри келади. Бу осонликча кечмайди, албатта. Мақсадга эришгач, яхши дам олиб, ҳордиқ чиқариб, куч-қувват тўплаш имкониятини ҳам топинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўпроқ ташаббус кўрсатиб, муҳим қарор қабул қилиш талаб этилади. Қариндош-уруғ, яқинлар маслаҳати турлича бўлса, ўз ички туйғуингиз бўйича иш кўринг.

ЁЙ

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярми дўстлар билан мулоқот қилиш, маслаҳатлашиш учун қулай келишидан дарак беряпти. Ҳаётингизда ажойиб воқеа рўй бериши, дўстлар давраси кенгайиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярми жумбоқли, сирли кечиши кутилмоқда. Зарур ва тўғри хабар, ахборотни олиш анча қийин кечади. Шунинг учун ўз ички ҳиссиётингизга қулоқ тутиб, хулоса чиқариш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Ҳафта аввалгига нисбатан қизғин иш билан бошланиши кутиляпти. Таваккал, ўйланмаган ишларга қўл урмасликни маслаҳат берамиз. Озгина нотўғри қадам ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтириши мумкин. Техник асбобускуналарни ишлатишда эҳтиётқорлик кўнгилсизликларнинг олдини олишни унутманг. Дўстлар билан молия, пул мавзуларида суҳбатлашмаган, маош, мукофот тўғрисида гапирмаган маъқул.

ҚОВҒА

Ўқиш, янги билимларни эгаллаш, дунёқарашни кенгайтириш учун ҳафтанинг биринчи ярмида киришган маъқул. Илмий иш билан шуғулланиш, тадқиқотлар ўтказиш омадли келиши кутилмоқда. Шахсий муносабатларда тўғрилик, самимийлик мавқеингизни оширади. Имкониятингизни кўриб чиқиб, ҳеч қандай ваъда бермасликни эсдан чиқарманг. Аввалги лойиҳа ва режаларни амалга оширишга ҳаракат қилишни маслаҳат берамиз.

БАЛИҚ

Сурункали ва оғир хасталикларни даволатиш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулай келиши кутиляпти. Ўзбилармончилик қилмасдан тажрибали шифокор тавсияларини бажариш саломатлигингизни тиклашга хизмат қилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўқиш, ўрганишга кўпроқ вақт ажратиш талаб этилади. Узоқ қариндошлардан янгиликлар, хабарлар, ажойиб воқеалар ҳақида эшитишингиз мумкин бўлади.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 2 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «ТАҲЛИЛНОМА».
8.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Тандир». М/ф.
10.10 ТВ - анонс.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «АХБОРОТ».
11.10 ТВ - анонс.
11.15 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Юртим бўйлаб» дастури: «Япон боғи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий кино: «Бахт қадри».
14.00 «АХБОРОТ».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
15.55 «Шарқ тароналари».
16.10 «Бир кун».
16.35 ТВ - анонс.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «АХБОРОТ».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Қонун ҳимоясида».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ахсикент».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 «Менинг оилам».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «АХБОРОТ». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «АХБОРОТ».
21.30 Эркин мавзу.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Тошқин». Т/с.
23.40 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Ватанпарвар».
00.35 «Бир кун».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Чемпион».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Нафосат олами».
05.40 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

06.55 Дастурнинг очилиши.
07.00 «Салом, ёшлар!»
08.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
08.40 «Ўзбегим».
09.00 «Миллий мерос».
09.10 «Шерюрак». Т/с.
09.55 «Билим ва тафаккур».
10.00 «ДАВР».
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Мультипанорама».
10.50 «Китоб – офтоб».
11.00 «Ўтмиш хиёбони».
12.40 «Ижод завқи».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Жаннат ўлкам» дастури: «Қушлар олами».
13.40 «Тасвир ва таассурот».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Камалак йўли».
15.40 «Умр баҳори».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Ҳаёт завқи».
17.00 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
17.20 «Тошкент таронаси».
17.30 «Виждон азоби». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Соғлик – бойлик».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаёт симфонияси».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Мўъжизавий дунё».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 «ПОЙТАХТ».
15.20 «Қақнус». Т/с 12-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.00 «Сенимни, шошмай тур!» М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 13-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «ПОЙТАХТ».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.50 «Саломат бўлинг!» (рус).
20.00 «ПОЙТАХТ». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «ПОЙТАХТ».
21.50 Мумтоз наволар.
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Памятная прогулка». Х/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 Футбол. Чемпионат мира U-17. Аргентина – Нигерия.
12.10 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Чемпионат мира по Футболу. Курс – Южная Африка.
19.25 Баскетбол. НБА «Бостон» - «Чикаго».
20.55 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар»
21.55 Футбол. Чемпионат Италии. «Ювентус» - «Наполи».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
10.00 «Bollivud markazida»
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Викинги» худ. фильм
13.40 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-10»
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «ПРЕДЛОЖЕНИЕ» худ.фильм
00.00 Миксер

«ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «Парламент соати».
7.50 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Буни ҳаёт дейдилар».
8.30 «Тарона».
9.00 Бадиий фильм.
10.30 «Тарона».
11.00 «Бизнес репорт».
11.15 «Тарона».
11.30 Ҳужжатли фильм.
11.50 «Тарона».
12.05 Кутилмаган томоша.
12.15 «Кўнгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
12.45 «Тарона».
13.00 «Одамлар орасида» ток-шоу.
13.30 «Тарона».
14.00 Болалар соати: «Янги авлод».
14.20 Мультконцерт.
14.30 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
14.50 «Тарона».
15.00 «Яхши кайфият».
15.30 Бадиий фильм.
17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
17.45 «Тарона».
18.00 «Асрлар садоси».
18.30 «Тарона».
19.00 Бадиий фильм.
19.45 «Азия-лото».
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
21.00 «Яхши кайфият».
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Бадиий фильм.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.

СЕШАНБА, 3 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «АХБОРОТ».
8.35 «Маънавият» дастури.
9.35 «Бизнинг кутубхона».
9.55 Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси намойиш этади: 1.«Онажоним қишлоғим». 2.«Сиз Жейновга бир келинг».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «АХБОРОТ».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Дўппи».
13.05 Т/с «Умр манзаралари».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «АХБОРОТ».
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Тараққиёт сари».
16.30 «Очун».
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «АХБОРОТ».
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нодир хазина».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «АХБОРОТ». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
21.00 «АХБОРОТ».
21.30 «Тарих кўзгуси».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.45 «Тошқин». Т/с.
23.40 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.55 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.40 «Тарих кўзгуси».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Олтин тупроқ».
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Навоийни англаш».
05.50 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.40 «Қадимги ёзувлар». Т/ф.
8.55 «UzEX».
9.00 «Миллий мерос».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Билим ва тафаккур».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Сирли ўрмонча».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Ўтмиш хиёбони».
11.50 «Сув ҳам тугайдими?»
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Бахтингни авайла».
13.00, 16.00 «ДАВР».
13.10 «Мўъжизавий дунё».
13.40 «Автопатруль».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Ватанпарвар».
15.40 «Чемпион».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Ёшлар ва таълим».
17.00 «Уйимдаги фаришта».
17.20 «Тошкент таронаси».
17.30 «Виждон азоби». Б/ф. 2-қисм.
18.40 «Ҳаёт симфонияси».
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Ҳаётбахш наволар».
20.30 «Инсон психологияси».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Олтин тупроқ».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Афсона ва ҳақиқат».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Гул ифори». Т/с.
9.30 «ПОЙТАХТ».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Нима бўпти лақабли бегемот». М/ф.
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Саломат бўлинг!» (рус).
10.30 «ПОЙТАХТ». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с (рус).
11.10 «Қайнона». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 13-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «ПОЙТАХТ».
15.20 «Қақнус». Т /с 13-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.05 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 14-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Ҳимоя».
18.30 «ПОЙТАХТ».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Премьера».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж». (рус).
21.10 «Менинг маҳаллам».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «ПОЙТАХТ».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.25 «Проблеск гениальности». Х/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Футбол шарҳи».
10.25 «Спорт – менинг ҳаётим».
10.55 Футбол. Чемпионат Италии. «Милан» - «Парма».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Вилоят спорти одимлари».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Футбол. Чемпионат Италии. Палермо – Женоа.
20.30 Профессиональный бокс. Энцо Маккаринелли - Ол Афолаби.
21.30 «Хабарлар»
21.55 Футбол. Чемпионат мира U-17. Италия – Уругвай.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 Ҳ/ф «Предложение»
13.30 Ўзбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «КОРОЛЕВА» худ. фильм
23.50 Миксер

«ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
7.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Яхши кайфият».
8.30 «Тарона».
9.00 Бадиий фильм.
10.30 «Тарона».
11.00 «Бизнес репорт».
11.15 «Тарона».
11.30 Ҳужжатли фильм.
11.50, 12.45, 13.45 «Тарона».
12.05 Кутилмаган томоша.
12.15 «Кўнгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с.
14.00, 17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
14.20 Мультконцерт.
14.30, 17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
14.50, 17.45, 18.30 «Тарона».
15.00 «Буни ҳаёт дейдилар».
15.30 Бадиий фильм.
18.00 «Асрлар садоси».
19.00 Бадиий фильм.
19.45 «Йўқотилган йиллар» т/с.
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Оилангиз шифокори».
21.00 «25-кадр» кинокўрсатув.
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Бадиий фильм.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.

ЧОРШАНБА, 4 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «АХБОРОТ».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Чорраҳа».
10.00 «Ягона оилада».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «АХБОРОТ».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар камалаги».
13.05 Т/с «Умр манзаралари».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «АХБОРОТ».
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «АХБОРОТ».
17.15 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Умр манзаралари».
18.40 «Кун мавзуси».
19.00 «Агар Сиз...»
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «АХБОРОТ». (рус).
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.15 «Сайлов - демократия кўзгуси».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «АХБОРОТ».
21.30 «Мен ёшликман».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Тошқин». Т/с.
23.35 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 «Ҳаётбахш наволар».
00.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Нақшлар камалаги».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Рангин дунё».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Истеъдод».
05.45 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.40 Наманган вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Наманган ширмойлари».
8.55 «UzEX».
9.00 «Миллий мерос».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Билим ва тафаккур».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Кичкинтойлар боғи».
10.40 «Чашма».
10.45 «Навбатчи».
11.00 «Ўтмиш хиёбони».
11.50 «Соғлик – бойлик».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Жаннат ўлкам» дастури: «Зарафшон қўриқхонаси».
13.40 «Тасвир ва таассурот».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Қишлоқ тараққиёти».
15.20 «Самарқанд жавоҳири».
15.50 «Ҳаётбахш наволар».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
17.00 «Сўнмас юлдузлар».
17.30 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Б/ф. 1-қисм.
18.40 «Олтин тупроқ».
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Келажак эгалари».
20.30 «Yoshlar-FM».
20.55 «Оила – меҳр булоғи».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаёт симфонияси».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Муъжизавий дунё».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Гул ифори». Т/с.
9.30 «ПОЙТАХТ».
9.45 «Ҳимоя».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Репортаж». (рус).
10.30 «ПОЙТАХТ». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с (рус).
11.10 «Имконият». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 14-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «ПОЙТАХТ».
15.20 «Қақнус». Т /с 14-серия.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.05 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 15-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Саломат бўлинг!»
18.30 «ПОЙТАХТ».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Тошкентда латифа».
20.00 «ПОЙТАХТ». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью». (рус).
21.10 «Дурдона».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «ПОЙТАХТ».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.25 «На колесах». Х/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 «Футбол. Чемпионат Италии. «Ювентус» - «Наполи».
11.30 Футбол. Италия – Уругвай.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Ёшлик шижоати».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Формула - 1».
20.10 «Нокдаун». Бадиий фильм 1-қисм.
21.30 «Хабарлар»
21.55 Баскетбол.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30, 10.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
11.30 «Королева» худ. фильм
13.20, 16.30 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Кинокурьер»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00, 20.30 Ўзбек наволари
20.00 M-files
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 Киноколлекция: «ДЖОННИ Д» худ. фильм
00.40 Миксер

«ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
7.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Яхши кайфият».
8.30 «Тарона».
9.00 Бадиий фильм.
10.30 «Тарона».
11.00 «Бизнес репорт».
11.15 «Тарона».
11.30 Ҳужжатли фильм.
11.50 «Тарона».
12.05 Кутилмаган томоша.
12.15 «Кўнгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
12.45 «Тарона».
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с.
13.45 «Тарона».
14.00, 17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
14.20 Мультконцерт.
14.30 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
14.50, 17.45 «Тарона».
15.00 «Яхши кайфият».
15.30 Бадиий фильм.
17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
18.00 «Асрлар садоси».
18.30 «Тарона».
19.00 Бадиий фильм.
19.45 «Йўқотилган йиллар» т/с.
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
21.00 «Дилкаш лаҳзалар».
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Бадиий фильм.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.

ПАЙШАНБА, 5 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «АХБОРОТ».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Мулкдор».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «АХБОРОТ».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «КиноТеатр».
11.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Гилам».
11.50 «АХБОРОТ». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Очун».
13.05 Т/с «Умр манзаралари».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «АХБОРОТ».
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Саёҳатга марҳабо!»
16.40 «Икки дарё оралигида».
17.00 «АХБОРОТ».
17.15 «Маҳалла».
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Боғаро».
19.00 «Камолот остонаси».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «АХБОРОТ». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
21.00 «АХБОРОТ».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.45 «Тошқин». Т/с.
23.40 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.55 «Тараннум».
00.40 «Одамлардан бири».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Хонадон».
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Нафосат олами».
05.40 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.40 «Афросиёб». Х/ф.
8.55 «UzEX».
9.00 «Миллий мерос».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Билим ва тафаккур».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Китоб – офтоб».
10.40 «Келажак эгалари».
10.50 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги тенгдошим».
11.00 «Ўтмиш хиёбони».
11.50 «Сув ҳам тугайдими?»
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Бахтингни авайла».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Муъжизавий дунё».
13.40 «Ибратли умр».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Тараннум».
15.40 «Сеҳрли қўллар».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 Биология дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Нафс гирдоби».
17.00 «Чемпион».
17.20 «Тошкент таронаси».
17.30 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Б/ф. 2-қисм.
18.40 «Ҳаёт симфонияси».
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Ҳаётбахш наволар».
20.30 «Шарқ гавҳари».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Олтин тупроқ».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Афсона ва ҳақиқат».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Гул ифори». Т/с.
9.30 «ПОЙТАХТ».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Интервью». (рус).
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Дурдона».
10.30 «ПОЙТАХТ». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/ с (рус).
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Ишдаги ишқ». Б/ф 1-қисм.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 15-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
15.00 «ПОЙТАХТ».
15.20 «Қақнус». Т /с 15-қисм.
16.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Х/ф.
17.00 «Сеними, шошмай тур!» М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 16-қисм.
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.15 2009-Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
18.30 «ПОЙТАХТ».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Иқтисод-ревю». (рус).
20.00 «ПОЙТАХТ». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «ПОЙТАХТ».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 «Осенний марафон». Х/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 «RING».
10.25 Футбол. Палермо – Женоа.
12.00 «Формула - 1».
16.55 Футбол. «Пахтакор» - «Андижон».
18.50 «Хабарлар» (рус)
19.15 «Тет-а-тет».
19.30 Обзор матчей чемпионата Италии.
20.00 «Нокдаун». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.30 «Хабарлар»
21.55 Футбол. ЧЕМПИОНАТ МИРА. U-17. 1\8 финала.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00, 07.40 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30, 10.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Притворщик»
11.30 «Джонни Д» худ. фильм
14.10, 17.00 Ўзбек наволари
14.30 Премьера (узб)
15.00, 18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 «Baby Terra Landiya»
17.30 «Энг сараси TVM да!»
18.00 Prime time (рус)
18.10, 19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Jannat Makon»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ПРИТВОРЩИК»
22.00 «M&TVA-2008» тақдимоти совриндори «БЎРИЛАР» бадиий фильми
23.40 Миксер

«ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
7.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Дилкаш лаҳзалар».
8.30, 10.30 «Тарона».
9.00 Бадиий фильм.
11.00 «Бизнес репорт».
11.15,11.50 «Тарона».
11.30 Ҳужжатли фильм.
12.05 Кутилмаган томоша.
12.15 «Кўнгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
12.45, 13.45 «Тарона».
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с.
14.00, 17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
14.20 Мультконцерт.
14.30, 17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
14.50, 17.45, 18.30 «Тарона».
15.00 «25-кадр» кинокўрсатув.
15.30 Бадиий фильм.
18.00 «Асрлар садоси».
19.00 Бадиий фильм.
19.45 «Йўқотилган йиллар» т/с.
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Оилангиз шифокори».
21.00 «Яхши кайфият».
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Бадиий фильм.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.

ЖУМА, 6 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.05 «Изҳор».
7.10 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
7.50 «Олтин мерос».
8.00 «АХБОРОТ».
8.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «АХБОРОТ».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Афсонавий шаҳарда».
13.05 Т/с «Умр манзаралари».
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «АХБОРОТ».
14.20 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
14.40 «Тарих кўзгуси».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».
16.00 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
16.40 «Икки дарё оралиғида».
17.00 «АХБОРОТ».
17.15 «Саломатлик дастури».
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Т/с «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Бухоро ҳунармандлари».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «АХБОРОТ». (рус).
20.05 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Соз сеҳри».
21.00 «АХБОРОТ».
21.30 «Мен ёшликман».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Тошкин». Т/с.
23.35 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 «Ипак сеҳри».
00.30 «Муқаддас қадамжолар».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Қишлоқ ҳаёти».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 Т/с «Турмуш чорраҳаларида».
05.10 «Икки дарё оралиғида».
05.30 «Нафосат олами».
05.40 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.40 Хоразм вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Алпомиш авлодлари».
8.55 «UzEX».
9.00 «Миллий мерос».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Билим ва тафаккур».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 «Чашма».
10.35 «Сирли ўрмонча».
10.50 «Кичкинтойлар боғи».
11.00 «Ўтмиш хиёбони».
11.50 «Чемпион».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Навоий хазинаси».
13.00, 16.00 «ДАВР».
13.10 «Жаннат ўлкам» дастури: «Чоткол».
13.40 «Тасвир ва таассурот».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Илҳом қанотлари».
15.30 «Шарқ гавҳари».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Табиат қирралари».
16.45 «Ҳаёт завқи».
17.00 «Ишқ риштаси». Б/ф. 1-қисм.
18.30 «Автопатруль».
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Ҳаётбахш наволар».
20.30 «Бугун».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаёт симфонияси».
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Мўъжизавий дунё».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Гул ифори». Т/с.
9.30 «ПОЙТАХТ».
9.40 2009 — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.20 «Репортаж».
10.30 «ПОЙТАХТ». (рус).
10.45 «Ҳақиқат чегараси». Т/с (рус).
11.15 «Ишдаги ишқ». Б/ф 2-қисм.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 16-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Иқтисод-ревю». (рус).
15.00 «ПОЙТАХТ».
15.20 «Қақнус». Т /с 16-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.05 «Денгиз итлари». М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 17-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.20 «Афиша». (рус).
18.30 «ПОЙТАХТ».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Саломат бўлинг!»
20.00 «ПОЙТАХТ». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью».
21.10 «Эртамиз эгалари».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «ПОЙТАХТ».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.25 «Всегда говори «да». Ҳ/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар»
9.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» - «Андижон».
11.30 Футбол. ЧЕМПИОНАТ МИРА. U-17. 1\8 финала.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 Волейбол. Клубный чемпионат мира.
19.40 «ГОЛ».
20.40 Футбол. ЧЕМПИОНАТ МИРА. U-17. 1\8 финала.
21.30 «Хабарлар»
21.50 «Аптека слушает».
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қизилқум» - «Бунёдкор».
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00, 08.30 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
09.30 Сериал «Притворщик»
10.30, 13.10 Ўзбек наволари
11.30 «Бурилар» бадиий фильм
14.20 Prime time (рус)
14.30, 16.30 Ўзбек наволари
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
17.30 Премьера (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Тунлар муборак»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 «Bollivud markazida»
22.00-00.40 «AJAL» ҳинд бадиий фильми

«ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
7.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Яхши кайфият».
8.45 «Оилангиз шифокори».
8.30 «Тарона».
9.00 Бадиий фильм.
11.00 «Бизнес репорт».
11.15 «Тарона».
11.30 Ҳужжатли фильм.
11.50 «Тарона».
12.05 Кутилмаган томоша.
12.15 «Кунгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
12.45 «Тарона».
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с.
13.45 «Тарона».
14.00, 17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
14.20 Мультконцерт.
14.30, 17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
14.50 «Тарона».
15.00 «Дилкаш лаҳзалар».
15.30 Бадиий фильм.
17.45 «Тарона».
18.00 «Асрлар садоси».
18.30 «Тарона».
19.00 Бадиий фильм.
19.45 «Йўқотилган йиллар» т/с.
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
21.00 «Буни ҳаёт дейдилар».
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Бадиий фильм.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.

ШАНБА, 7 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 Миллий кино: «Чимилдиқ». 1-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «АХБОРОТ».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Оққуш ҳақида эртак». М/ф.
9.35 «Мусиқа дунёси».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маурит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.10 Т/с «Умр манзаралари».
13.45 «Мен ёшликман».
14.00 «АХБОРОТ».
14.20 «Азизим».
14.50 «Марказий вокзал». Б/ф.
16.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон обсерваториялари».
«Болалар сайёраси»:
16.50 «Ўйла, Изла, Топ!»
17.30 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.50 «Минг бир маслаҳат».
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Очун».
18.45 «Дўст». В/ф. 1-қисм.
19.20 «ТВ - шифокор».
19.30 «АХБОРОТ». (рус).
20.05 «Сайлов - демократия кўзгуси».
20.35 «Шарқ тароналари».
21.00 «АХБОРОТ».
21.30 «Буюк аждодларимиз».
22.00 «Қўйнимдаги илон». Б/ф.
23.35 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.50 «Сеҳрли қўллар».
00.20 «Дўст». В/ф. 1-қисм.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Кинотақдим».
02.55 Миллий кино: «Чинор остидаги дуэль».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Шарқ тароналари».
04.45 Миллий кино: «Дока рўмолнинг қуриши». 1-қисм.
05.45 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Т/с «Ҳаёт сабоқлари».
8.40 «Тож-Маҳал». Ҳ/ф.
8.55 «UzEX».
9.00 «Миллий мерос».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Билим ва тафаккур».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Мультипанорама».
10.30 Миллий кино: «Ғаройиб кашфиёт».
11.40 «Китоб - офтоб».
11.50 «Сув ҳам тугайдими?»
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Бахтингни авайла».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Муъжизавий дунё».
13.40 «Қалпоқ». Ҳажвия.
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Рўзғор мактаби».
15.30 «Унутилмас оҳанглар».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Миллий мультфильм».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Чемпион».
17.00 «Ишқ риштаси». Б/ф. 2-қисм.
18.30 «Yoshlar-FM».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Айланай...»
20.40 «13-студия».
21.00 «Шерюрак». Т/с.
21.50 «Ҳаётбахш наволар».
22.00 «ДАВР».
22.30 Жаҳон киноси: «Ҳаммаси яхши».
00.00 «Тунги парвоз».
00.30 Жаҳон киноси: «Фантастик тўртлик».
2.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Гул ифори». Т/с.
9.30 «ПОЙТАХТ».
9.40 «Анонс».
9.45 «Интервью».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша». (рус).
10.30 «ПОЙТАХТ». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с (рус).
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.40 «Саломат бўлинг!»
11.50 «Эртамиз эгалари».
12.05 «Сайил». Т/ф.
12.15 «Премьера».
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 17-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм ҳақида». (рус).
15.20 «Қақнус». Т /с 17-қисм.
16.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳ/ф.
17.00 «Денгиз итлари». М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 «Хуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 18-қисм.
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Афиша».
18.30 «ПОЙТАХТ».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Мафтун».
20.00 «ПОЙТАХТ». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Истеъдод».
21.20 «Анонс».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «ПОЙТАХТ».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 Индийское кино: «Любовь без слов». Ҳ/ф. 1-2-я серии.

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус)
9.25 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
10.00 «Хабарлар»
10.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қизилқум» - «Бунёдкор».
12.00 «Фоторевю».
12.20 «Рондо». Ток-шоу.
13.05 Футбол. ЧЕМПИОНАТ МИРА. U-17. 1\8 финала.
18.00 «Соғлом оила».
18.30 «Хабарлар» (рус)
18.55 «Военное дело».
19.15 «Аёл ифори».
19.40 «Файтер». Восточные единоборства.
20.10 «Ринг маликаси». Бадиий фильм 1-қисм.
21.30 «Хабарлар»
21.55 Футбол. ЧЕМПИОНАТ МИРА U-17. 1\8 финала.
23.30 «RING».
00.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 Baby hits
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Ajal» ҳинд бадиий фильми
14.10 Ўзбек наволари
14.30 «Тунлар муборак»
15.00 «ИНДИГО» худ.фильм
16.40 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
19.00 «Топ-10»
20.00 Ўзбек наволари
20.30 «Бизнинг мусиқа»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК» худ. фильм
00.20-02.30 «Другое видео»

«ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
7.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Одамлар орасида» ток-шоу.
8.30 «Тарона».
9.00 Бадиий фильм.
10.30 «Тарона».
11.00 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
11.15 «Тарона».
11.45 Кутилмаган томоша.
12.00 «Кунгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
12.45 «Тарона».
13.00 «Йўқотилган йиллар» т/с.
13.45 «Тарона».
14.00 Бадиий фильм.
17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
17.45 «Тарона».
18.00 Бадиий фильм.
19.45 «Йўқотилган йиллар» т/с.
20.30 «Озод-шоу».
21.30 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
21.45 «Шанба оқшоми» мусиқий дастур.
22.30 Бадиий фильм.

ЯКШАНБА, 8 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.10 Миллий кино: «Чимилдиқ». 2-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «АХБОРОТ».
8.35 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Олтин оҳу». М/ф.
9.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қуёш шаҳри».
9.30 «Очиқ дастурхон».
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Оҳанрабо».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.05 «КиноТеатр».
13.30 «Катта пойга». Б/ф.
16.00 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.05 «Леопольднинг саргузаштлари». М/ф.
17.15 «Ҳаёт манзаралари».
17.20 «Денгиздан томчи».
17.50 «Очун».
18.00 «Муқаддас қадамжолар». Шоҳизинда.
18.45 «Дўст». В/ф. 2-қисм.
19.30 «ТАҲЛИЛНОМА». (рус).
20.05 Т/с «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Кунгил қушиқ истайди».
21.00 «ТАҲЛИЛНОМА».
21.40 «Заковат».
22.45 «Омадсизлар». Б/ф.
00.10 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

00.20 Кўрсатувлар дастури.
00.25 «Дўст». В/ф. 2-қисм.
01.00 «Таҳлилнома». (рус).
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.15 «Минг бир ҳунар».
02.30 «Заковат».
03.30 «Очиқ дастурхон».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Дока рўмолнинг қуриши». 2-қисм.
05.40 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Бугун».
7.30 «Қалпоқ». Ҳажвия.
7.50 «Ҳаётбахш наволар».
8.00 «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Б/ф.
9.10 «Инсон психологияси».
9.40 «Соғлик - бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Қишлоғимга хат».
11.30 «Олтин девор». Спектакль.
13.20 «Миллий мерос».
13.30 «Эртаклар оламида».
14.20 «Болалар табассуми».
14.30 «Камолот хабарлари».
14.40 «Айланай...»
16.00 Миллий кино: «Ажойиб хаёлпараст».
17.20 «Ҳаётбахш наволар».
17.30 «Ўзбегим матолари».
17.50 «Самовий ишқ». Т/с.
18.50 «Аёлга таъзим».
18.55 «Конституция дарси».
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «Маслаҳат». Ҳажвия.
21.00 «KINOMANIYA».
21.30 «Менга турмушга чиқасанми?» Б/ф.
00.00 «Шарқ оҳанглари».
00.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Гул ифори». Т/с.
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Хаттотлик санъати». Т/ф.
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша».
10.30 «ПОЙТАХТ». (рус).
10.40 «Саргузаштлар ороли».
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Ойижон». Б/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 18-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Чимилдиқ». Ўзбек Давлат миллий драма театрининг спектакли.
15.55 «Телекурьер-маркет».
16.15 «Анонс».
16.20 «Истеъдод».
16.40 «Карвонсарой».
16.50 «Болаликка қайтиб».
17.10 «Тошкентда латифа».
17.15 «Ҳаёт лаззати». Б/ф.
18.55 «Анонс».
19.00 «Телекурьер-маркет».
19.20 «Нима учун?»
20.00 «Кинотақдим».
20.25 «Анонс».
20.30 Мумтоз наволар.
20.35 «Тошкент оқшомлари».
21.00 «Туризм ҳақида». (рус).
21.30 «Кино SMS со звёздами»: «Дневной свет». «Знаки». «Скала».

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус)
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар»
10.25 «ГОЛ».
11.25 «Аёл ифори».
11.45 Футбол. ЧЕМПИОНАТ МИРА U-17. 1\8 финала.
18.00 «Клоун Кири». Мультфильм.
18.05 «АВТОграф».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.05 «Спорт - менинг ҳаётим».
19.30 Плавание. Кубок мира.
20.30 «Ринг маликаси». Бадиий фильм 2-қисм.
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Рубин».
23.50 «ПрофРИНГ».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 «Jannat Makon»
11.30 «Крепкий орешек» худ. фильм
13.50 Ўзбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
17.00 Ўзбек наволари
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
19.30 Звездопад: «Ташкент глазами киногероев»
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК-2» худ. фильм
00.20 Миксер

«ЎзНТТ»

7.00 «Асрлар садоси».
7.30 Тонгги наволар.
8.00 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.15 НТТда ҳажвия.
8.30 «Тарона».
9.00 «Озод-шоу».
10.00 Бадиий фильм.
12.30 «Йўқотилган йиллар» т/с.
14.00 «Тарона».
14.30 «Ҳижрон» т/с.
16.30 «Тарона».
17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
17.25 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
17.45 «Тарона».
18.00 Бадиий фильм.
19.45 «Якшанбада яхши дам» концерт дастури.
20.30 «Парламент соати».
20.50 «Оилангиз шифокори».
21.00 «Одамлар орасида» ток-шоу.
21.45 «Тарона».
22.00 Бадиий фильм.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР – МАЪНАВИЯТИМИЗ НЕГИЗИ

Тўйлар, турли маърака-маросимлар, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий анъана ва қадриятлар, оилада ва турмушда, эътиқод ва тарбияда ҳаётимизга сингиб кетган тартиб-қоидаларни умумлаштириб миллий урф-одатлар деймиз. Аслида ҳаммасининг аввалида одоб туради. Одоб-ахлоқ бор жойдагина миллий қадрият камол топади.

Одобнинг боши эса салом. Қариялар яхши билишади, саломда ҳикмат ва нур бор. Улуғ муҳаддис имом Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» асарида ёзилишича, Аллоҳ илк бор Одам алайҳиссаломга: «Анави ўлтирган фаришталарнинг олдига борғилда, салом берғил, сўнг уларнинг сенга оладирган алигини яхшилаб эшитиб олғил, чунким бу сенга ва сендан тарқаладирган зурриётларингга йўлланган салом бўлғайдир!» деган. Ўша-ўша, инсон учун салом бериш, саломлашиш энг улуғ фазилат бўлиб қолган. Айниқса, бизнинг халқимиз саломни канда қилмайди. Давр ўзгаришига, замонга ва вазиятга қараб айрим халқлар саломнинг ҳикмат эканлигини унутиб қўйишди, бироқ шарқ халқлари, хусусан, ўзбеклар ҳамон «Ассалому алайкум!»сиз яшай олишмайди. Ўзаро саломлашиб юриш дилни пок, кўнгилни обод қилади, одамларда меҳр-оқибатни кучайтиради. Салом бериш ва алик олиш инсондан гина-кудурат, фисқу-фасод, ҳасад ва такаббурликни кетказади. Саломлашиш саодати инсоннинг маънавиятини белгилайдиган буюк неъмат. Бу неъматдан баҳраманд бўлиш бизга ҳаётда эзгулик ва яхшилик уруғини сочади. Агар ҳар куни тонгни ота-онага салом бериш билан қаршиласак қалбимиз нурафшон бўлади.

Ҳар бир инсонга унинг ўз ота-онаси муқаддас ҳисобланади. Буни унутган фарзанд ҳаётда хор бўлади. «Отага итоат қилиш – Тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир» дейилади Ҳадиси шарифда. Онани рози қилмаган фарзанд эса жаннатга кирмайди. Маънавиятимиз негизлари ҳақида гапирганда бу ҳикматларни эсламаслик мумкин эмас. Айниқса, ҳаётимизга ғарбнинг турмуш тарзи хуруж қилаётган ҳозирги пайтда ота-оналарга ўтган улуғларимиз қадрлагандек ҳурмат –эътиборда бўлишимиз лозим. Бу бизга аждодларимиздан келаётган маънавий мерос. Умуман, ҳаётда қобилликка эришаман деган инсон қарияларнинг иззатини жойига қўйиши керак. Буни айниқса, ёшлар ёдда тутишлари зарур. Миллий маънавиятга амал қилишда тарбия муҳим восита экан, ўтган улуғларнинг панд-насиҳатларини унутмайлик.

Агар ерга урса ота номини,
Кеч ундай ўғилдан, дема номини.

Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан,
Онанг хизматида бўлгил ёшингдан.

Улуғларимизнинг бу пурмаъно ўгитлари ҳозирги кунда ҳам долзарб. Ростини айтганда, ота-онадан ўзларини ақлли ҳисоблайдиган ёки уларнинг ҳолидан хабар олмайдиган, ота-она шаънига доғ тушрадиган ёки уларнинг соясида кун кўрадиган, умуман, қарияларга муносабатда миллий қадриятларни унутиб, четдан кириб келаётган сунъий одатларни маъқул кўрадиган инсонларни маънавиятдан йироқлашиб кетганлар дейиш мумкин. Шунинг учун миллий урф-одатларни тор маънодагина тушуниб қолмасдан маънавиятнинг негизини ташкил этадиган одоб-ахлоқ доирасида тарбиявий ишларни кучайтириш зарур. Бу иш ҳар бир оилада ва ҳар бир жамоада олиб борилса яна ҳам яхши. Ҳаётда қобилликка эришиш аввало, инсоннинг ва оиланинг бахти, қолаверса, жамият ва юртнинг фахридир.

Меҳр-оқибат, эзгулик, яхшилик, хайр-саховат миллатимизга хос фазилатлар. Булар ҳам миллий маънавиятнинг негизини ташкил этади. Бева-бечора, етим-есир, ногирон, дардман, бировларнинг ёрдамига ва ширин сўзига муҳтож одамлар ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслиги керак. Агар биз уларга меҳр-мурувват кўрсатмасак миллий маънавият илдизларига болта урган бўламиз. Бу гап ҳар биримизга тегишли. Хайр-эҳсон қилиб ёки қандайдир ёрдам кўрсатиб савоб ололмасак-да, ҳеч бўлмаганда ширин сўзимиз билан мурувват кўрсатайлик. Умар Хайём айтганидек:

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод,
Яхшидир, ер юзин қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг,
Афзалдир юз қулни қилмоқдан озод.

Қуръони Каримнинг сураларида ўзинг нимани яхши кўрсанг, шу нарсадан ёрдамга муҳтожларга ҳам эҳсон қил, деган оятлар бор. Бу нарса ҳадисларда ҳам, улуғ аждодларимиз бўлган буюк инсонларнинг ҳикматларида ҳам такрор-такрор айтилган. Шундай экан, биз ота-бола, ака-ука, опасингил, қариндош-уруғ, қўни-қўшни ва маҳалладошлар ўртасида маънавиятимизга хос иш қилган бўламиз. Демак, биз бойлигимиз, мансаб-мартабамиз, жамиятдаги, қариндош-уруғлар ва таниш-билишлар ўртасидаги мавқеимиздан қатъи назар олқиш эмас, савоб олишга интилишимиз керак. Ана шундагина ўзлигимизни англаб етган бўламиз.

Одамларни табақалаштирмаслик – одобнинг устунларидан бири. Ўзларида энг яхши одамийлик хислатларини мужассам этганлар шунга амал қиладилар. Бадриддин Ҳилолий деган мутафаккир одобнинг бу устунига таъриф бериб шундай дейди:

Адаб – феъл табиат оройиши,
Адаб – аҳволу ҳолат осойиши,
Адаб – ҳусну жамолнинг жамидур жам,
Адаб – кўклам, камолнинг жамидур ҳам.

Гап одамларни табақалаштириш ҳақида борар экан, баъзи миллий урф-одатларга риоя этишда юз бераётган ҳолатларга эътибор қаратмаслик мумкин эмас. Масжидларда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида тўйлар ва бошқа маърака-маросимларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан ихчам ўтказиш ҳақида тинимсиз такрорлашади. Айниқса, домла-имомлар ва маҳалла оқсоқоллари шу ҳақда кўп гапиришади. Бироқ кўп ҳолларда айрим пулдорларнинг тўйлари ва маърака-маросимлари бошқаларникидан ажралиб қоляпти. Бу ҳам етмаганидек, кейинги пайтда келган одамларни табақалаштириб жойлаштириш одат тусига кириб боряпти. Тўйми, юбилейми, ақиқами, худойими, ундан қатъи назар, эшик олдида ҳаммани бўлмаса-да обрўли ва мансабдор одамларни яхши биладиган инсон туриб, худди йўл кузатувчисидек келаётган одамларни табақалаштиришни бошқариб туради. Яъни, у ҳамманинг кўз олдида мутлақо ёшга эътибор бермасдан бойроқ, обрўлироқ, мансабдор одамларни, айтайлик, ўнгга, мавқеи улардан сал пастроқларни сўлга, қолганларни эса тўғрига – умумий залга йўллаб туради. Кўп ҳолларда ҳар қандай маърака ва маросимга бир ишхонада ишлайдиган ҳамкасблар, маслакдош дўстлар, таниш-билишлар бирга боришади. Бироқ улар эшик олдига борганда учга бўлинишга мажбур бўлишади. Агар улар ёшга қараб қариялар ва ёшлар сифатида табақалаштирилганида бошқа гап эди. Шак-шубҳасиз, бойлар кўпайгани, халқимиз бой-бадавлат яшагани яхши. Бироқ бойлик кучайишига, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни йўқолишига сабаб бўлиб, миллий маънавиятнинг шаклланган қоидаларига раҳна солмаслиги керак.

Бир нарсани мутлақо эсдан чиқармайлик: миллий маънавиятимизнинг халқимиз ҳаётига сингиб кетган асосларини сақлаб қолиш учун кураш бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Аниқ ҳаётий мисолларга ўтишдан аввал фикрни жамлаб, ақл-идрок билан мулоҳаза қилиб кўрайлик. Нега бизга ғарбнинг турмуш тарзини ибрат қилиб кўрсатишяпти? Нега ҳаётда ғарб дунёси ҳакамликка даъво қиляпти? Нега шарқ халқлари ўз миллий қадриятларидан воз кечиб, ғарбда ўйлаб топилган сунъий қадриятларга мослашишлари керак? Бу саволларга жавоб излашдан олдин инсониятнинг ўтмишига бир назар ташлайлик. Одам Ато билан Момо Ҳавво шарққа тушган. Жамики, пайғамбарлар шарқда яшаб ўтган. Инсониятга юборилган барча муқаддас китоблар – Забур Таврот, Инжил, Қуръон шарққа тушган. Бугун бутун ғарб дунёси эътиқод қиладиган Ҳазрати Исо Масиҳ ҳам шарқда яшаган. Энг эътиборлиси, Қуёш ҳам, Ой ҳам шарқдан чиқади. Тарихий манбаларда ёзилишича, ғарбнинг аксарият улуғ олимлари-ю алломалари шарқ фалсафаси бўйича яшаганлар. Жумладан, яқинда жиддий тадқиқотлардан бирида улуғ рус ёзувчиси Л. Толстой шарқ фалсафасига эътиқод қилганини ўқидим. Армстронг, Кусто, Тайсон ва бошқа кўплаб машҳур кишилар ҳаётда қайси йўлни танлаганликларини яхши биламиз. Бошқаларни қўйинг, айтайлик, бир ярим миллиардли хитойликлар ёки бир миллиардли ҳиндистонликлар қандай қадриятлар асосида яшашни нега энди атиги бир неча юз миллионли ғарбликлардан ўрганишлари керак?

Ёки, биз қандай қилиб Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Алишер Навоий амал қилган ва бойитган қадриятларсиз яшай оламиз?.. Биз минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий меросдан воз кечолмаймиз. Бизнинг миллий анъана ва қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турмуш тарзимиз ана шу маънавиятдан озиқ олади. Мутлақ эркинлик ниқоби остидаги турмуш тарзи шу даражада мантиқсизки, хоҳланг кимдандир ёки нимадандир норози бўлсангиз кўчага чиқиб тўс-тўполон қилинг, хоҳланг ота-онангиз олдида яланғоч ҳолда юринг, хоҳланг операция қилдириб жинсингизни ўзгартиринг, истасангиз дўстингизга уйланинг, дугонангизга турмушга чиқинг ёки қариганда невара билан овуниш ўрнига ит боқинг. Агар бирорта ўзлигини унутиб маҳкуртга айлангани бўлмаса бошқалар бундай одатларни қабул қила олмайди. Бизда ҳамиша шарқона ахлоқ-одоб, андиша, ҳаё, эътиқод, диёнат, инсонга хос бўлган бошқа одамийлик хислатлари устун бўлиб келган. Масалан, ёқимтой неварасининг ўрнига кучукчасини бағрига босиб, уни эркалатиб ўтирадиган бобо ёки момони тасаввур қилиб буладими? Ёки, қайси ота-она қизига туғма, чиройинг бузилади, бола керак бўлса бировникини боқиб оларсан, дейди. Аксинча, невара-чеварам бўлсин, уларнинг тўйини кўрайин, дейди.

Умуман, бизнинг халқимиз минг йиллар мобайнида шаклланган турмуш тарзини бундан кейин яна минг йиллар ўтган тақдирда ҳам ўзгартира олмайди. Бизга эркинлик ниқобидаги бошбошдоқлик ҳамда кўнгил тусаган ишни қиладиган шайтоний васвасадан кўра тўғрилик, ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, камбағалпарварлик, диний эътиқод, саховатпешалик, каттага ҳурмат, кичикка шафқат, болажонлик каби миллий одатлар афзалроқ.

Баъзи бировлар бугунги кунда жаҳон цивилизацияси ҳақида гап кетганда нуқул ғарбни тилга олишади. Йўқ, жаҳон цивилизациясининг тараққиёти дастлаб шарқдан бошланган. Бу цивилизация шарқдан жаҳонга нур бўлиб таралган. Буни англаш учун тарихни ўрганиш зарур. Инсониятга дахлдор барча илоҳий мўъжизалар, бунёдкорлик ишлари, ақл-идрок ва тафаккур намоёни, илм-фан тараққиёти дастлаб шарқда юз берган. Агар биз Ўзбекистонни шу шарқнинг бир бўлаги деб ҳисобласак, бизнинг буюк олиму алломаларимиз, азиз авлиё-ю донишмандларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий меросдан, дунёвий илмлардан бугун бутун жаҳон баҳраманд бўлмоқда. Ғарбликлар ўз шаҳарларининг 300, 500, 700 йиллик юбилейларини нишонлаётган бўлсалар, биз ўз шаҳарларимизнинг бир неча минг йиллик ёшларини нишонлаяпмиз. Халқимиз ҳаётига, кундалик турмуш тарзига сингиб кетган бизнинг урф-одатларимиз, миллий анъана ва қадриятларимиз ҳам ана шундай минг йиллар билан бўйлашади. Бу қадриятлар халқимиз учун муқаддас бўлиб қолган ва миллий маънавиятимизнинг негизини ташкил этади.

Биз бир нарсада доим ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз зарур: нафақат четда, балки орамизда ҳам ўзгаларнинг таъсирига берилиб, миллий маънавиятимиз негизи бўлган урф-одат-

лар, анъана ва қадриятларни эскилик сарқити, қолоқлик рамзи, замонадан орқада қолишлик ифодаси деб талқин қиладиганлар бор. Айтиш жоизки, миллий урф-одатлар эскирмайди ва замонга қараб ўзгармайди. Улар миллийлик тимсоли сифатида абадий яшайди. Замонага қараб турланиб-тусланиб турадиган миллатда маънавият бўлмайди. Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида мантиқан ифодалаб ўтганидек, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Ана энди ўзингиз айтинг-чи, бундай кучни енгиб, ўзгартириб, замонга мослаштириб ёки ундан воз кечиб, бўладими?! Албатта, йўқ. Миллий урф-одатларимиз эса ана шу кучдан қувват олади. Миллий урф-одатларимизни маънавиятимиз негизи сифатида қадрлаш билан бирга уни янада ривожлантириш, миллатимизга хос ва мос равишда бойитиб боришимиз зарур. Бу ўзини шу миллат вакилиман деган ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиз, қолаверса, ғуруримиз, фахримиз бўлиб қолмоғи керак.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ҲУКМ ЎҚИЛДИ

САХИЙЛИК ОРТИДАГИ ТУЗОҚ

Орамизда шундай кимсалар борки, молдунё, бойликни қадр-қимматдан устун қўйишади. Улар ўз нафсини қондириш, текин даромадга эга бўлиш мақсадида ҳеч қандай қабиҳликдан тап тортишмайди. Бундай ғаламислар содда, нияти пок инсонларни излаб топиб, ишончига кириб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, ҳаётини заҳарлаб кетишади. Ана шундай нопок шахслардан бири Қўшкўпир туманининг Янгилик қишлоғида истиқомат қилувчи Мансурбек Нурметовдир.



Бир қарашда инсофу диёнатли кўринган бу йигит аслида бировнинг ҳақини ейишдан қўрқмайди. Энди 22 ёшга кирган Мансурбек тумандаги Янгилик ҳамда Ўзбек қишлоқларида яшовчи Қуронбой Сариев, Умидбек Йўлдошев, Ортиқ Юсупов, Рашид Бобожонов, Илҳом Каримов, Сирож Ражабов, Элдор ва Элёр Юсупов каби 11 нафар фуқаронинг ишончига кириб, ойига 400 - 500 АҚШ доллари тўланадиган иш топиб бераман, деб алдади. Уларни Россия Федерациясининг Саранск шаҳрига олиб кетди. Йигитлар йўл ҳақини ёнидан тўлаб, мурувват кўрсатаётган Мансурбекка батамом ишонишган эди. Аслида эса сахийлик ортида тузоқ борлигини хаёлларига ҳам келтиришмади. Йигитларнинг соддалигидан фойдаланган Мансурбек уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзларини турли ишларга тақсимлаб чиқди. Пуч ваъдаларга ишонган ишчилар бир неча ой тиним билмай меҳнат қилишди. Аммо келишилган маошдан дарак бўлмади. Ўзга юртнинг зах ертўлаларида ётиб, очликдан силласи қуриган йигитлар Мансурбекни излай бошлади. Аммо ор-номус нималигини билмайдиган бу шахс ишчиларнинг жами 30 минг 650 АҚШ доллари миқдоридаги иш ҳақларини чўнтакка уриб, ғойиб бўлган эди. Йигитлар бир неча кунлик азоб-уқубатлардан сўнг Хоразмга қайтиб келишди. Орзу-умидлари саробга айланган йигитлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасига арз қилишни ўзларига эп кўришмади. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, Мансурбек охир-оқибат қўлга тушди.

– Ойлик маошингизни мен олмаганман. Ўша қурилиш фирмаси билан гаплашиб, бир-икки ой ичида албатта пулингизни олиб бераман, – дея яна йигитларнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб юраверди.

Кунларнинг бирида Мансурбек ҳам тақдирнинг кутилмаган зарбасига учради. У отаси номидаги "Тико" русумли автомашинани бошқараётиб, йўл чеккасида бораётган Комил Болтаевни уриб юборди. Йўловчи шифохонада ҳаётдан кўз юмди. Кўпчиликнинг ҳақини еб, қарғишга учраб, тақдирнинг бундай синовини бошидан кечирган Мансурбек барча қилмишларини тан олди.

Жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди Мансурбек Нурметовнинг жиноий хатти-ҳаракатини одилона кўриб чиқиб, унга тегишли жазо тайинлади.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Хоразм вилояти.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

ШАЙТОН ҚИЁФАСИДАГИ ҚАРИНДОШ

Сирдарё вилояти ИИБга фуқаро Шерзод Ярлақабов ариза билан мурожаат қилиб, номаълум шахс Гулистон шаҳрида яшовчи онаси Кифоят Аждарованинг уяли телефонидан сим қоқиб, уни ўғирлагани ва қайтариш эвазига 100 минг АҚШ доллари талаб қилаётганини маълум қилди. Ушбу ҳолат юзасидан ички ишлар бошқармаси ва вилоятнинг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан тезкор тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ушбу режага кўра, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Миролим Тошматов, катта тезкор вакил, майор Аъзам Қўқонбоев, тезкор вакиллар, катта лейтенантлар Азиз Ўралов ва Зафар Раимқуловдан иборат тезкор гуруҳ ишга киришди. Суриштирувлар натижасида Қозоғистон Республикаси Маҳтаорол тумани ИИБдан Жеттисай шаҳрининг шарқий қисмидаги темир йўл кўприги остидаги сувдан аёл кишининг тан жароҳати етказилган жасади топилгани тўғрисида тезкор маълумот олинди. Мурда Шерзод Ярлақабовга кўрсатилганда, у онаси – Кифоят Аждаровани таниди.

Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, аёл механик асфексия натижасида оламдан ўтгани ойдинлашди. Демак, у сувга ташлаб юборилишидан олдин тирик бўлган. Бир неча кун арқон билан боғлиқ ҳолда, оч-наҳор ушланиб, ўлим даҳшати қутқу солиб турган ожизанинг ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас. У сўнгги дақиқаларгача қотилларнинг қон тўла кўзига талваса билан боқиб, раҳм-шафқат сўраган. Аммо нолаларини ҳеч ким эшитмаган.

Онасининг қотилларига бошчилик қилган ўз қариндоши Ғойиб Қораев (исм-шарифлар ўзгартирилди) эканлиги шўрлик Шерзоднинг хаёлига ҳам келмаганди. Шу боис онасининг жасади сувдан топилганини биринчилардан бўлиб унга ҳам айтди. Шайтон қиёфасидаги Ғойиб ҳамма қариндошлар қатори оҳ-воҳ қилди. Карахт ҳолдаги Шерзодга маъракa ўтказиш учун пул керак бўлса бериб туришини ҳам айтди. Бошига дўппи, эгнига тўн кийиб, ички ишлар ходимлари қаёққа қараяпти, дея унга ўзини қайғураётгандек кўрсатди. Аслида эса воқеалардан бохабар бўлиб турди.

Суриштирувларда эса марҳума охирги марта уйидан Ғойиб билан бирга чиқиб кетгани аниқланди. Ғойибнинг танишлари – Гулистон шаҳрида яшовчи Қ. Соатов ва Боёвут туманлик М. Ғозиевнинг аёл ўғирлаб кетилганидан то шу вақтга қадар босган қадами ўрганилганда гумонлар ойдинлашди. Натижада жиноий тил бириктирган гуруҳ биргаликда пул ишлаш учун Ғойиб Қораев ўйлаб топган қабиҳликни амалга оширишгани фош бўлди. Марҳумага тегишли тилла узук Қ. Соатовнинг кўрсатмасига асосан далилий ашё сифатида олинди.

Уюшган жиноятчиларнинг ижтимоий аҳволи ўрганилганда ҳаммаси ўзига тўқ, керагидан ҳам ортиқ бойлик йиғиб олган, уйжойи ҳашаматли, замонавий русумдаги автомобилларга эга шахслар бўлиб чиқди.

Жиноятга жазо муқаррар. Яхшики, бизда ҳар қандай зулматни кўра олгувчи зийрак кўзлар — ички ишлар ходимларимиз бор. Ваҳшийликка нисбатан нафрат, тинч замон ва тўкин-сочин ҳаётда яшаб, шукрни билмаган нонкўрларга ғазаб, қалбларидаги уйғоқ виждон қўнғироғи бир зум тин олишга йўл қўймайди. Энг муҳими, улар халқ билан бирга. Чуқур билим, жисмоний тайёргарлик, тезкорлик, ҳушёрлик қон-қонига сингиб кетган.

Ушбу жиноятни фош этиш учун тунларни бедор ўтказган ходимлар билан суҳбатлашганимда улар камтарлик билан бу – бизнинг бурчимиз, вазифамиз, деб қўя қолишди.

Зулфия МЎМИНОВА.

Сирдарё вилояти.

ҚИЛМИШ – ҚИДИРМИШ

НОҚОБИЛ ЎҒИЛ

Халқимизда «Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога», деган нақл бор. Қуйида қаламга олинадиган ҳолат билан танишаркансиз, бу нақл не чоғли топиб айтилганига гувоҳ бўласиз.

Майманоқлик Комил отага қариган чоғида ўғли Шавкат кўп ташвиш келтирди. Қилар ишининг тайини йўқ, у ер, бу ерда ишлаб топган пулини ҳам ароққа сарфлаб, тўйгунча ичиб, бор ҳунарини кекса отасига кўрсатади. Қариянинг заифлигидан фойдаланиб, унга қўл кўтаради. Ҳақоратларини эса айтиб ўтирмаса ҳам бўлади. Бот-бот калтак ейишдан юраги безиб қолган Комил ота ўғлининг овозини эшитса бас, саросимага тушади. Якка ўзи эмас, оила аъзоларининг ҳам тинчи бузилишини ўйлаб, қаттиқ изтиробга тушади.

Бугун ҳам ўғли Ихтиёр билан гаплашиб ўтирган эди Шавкатнинг дарвозадан гандираклаб кирганини кўриб, ич-ичидан эзилди. Яна жанжал чиқмасин, деган ўйда индамай ўз хонасига кириб кетди. Ўрнига ётиб, кўзи энди илинган экан, кимнингдир оёгидан тортқилаётганидан чўчиб уйғонди. Қараса, Шавкат. У отасига ўдағайлай бошлади. Кейин ҳовлига судраб чиқиб, уриб-тепкилади. Оғзига келган сўзларни қайтармади:

– Ҳалиям тирикмисан, бобой! Сендан қачон қутиламан?!

Бундай хўрланишлардан безиган А. Комил охир-оқибатда профилактика инспекторига мурожаат қилиб, ўғлига нисбатан қонуний чора кўришни сўради. Дарвоқе, А. Шавкат ҳудди ана шундай хатти-ҳаракатлари учун 2008 йилда жиноят ишлари бўйича Касби туман суди томонидан судланиб, тегишли жазо олганди. Аммо у бундан тегишли хулоса чиқармади.

Начора, қилмиш-қидирмиш, деганларидек Шавкат отасига, оила аъзоларига қилган жабр-зулми учун яна қонун олдида жавоб беришига тўғри келади.

Н. МУРОДОВ.

Қашқадарё вилояти.

«УСТОМОН» УСТАЛАР

Хўжаобод тумани Етмишмерган маҳалласида яшовчи Сайдулло Орипов уяли телефонларга пуллик хизмат кўрсатувчи «Paynet» дўкони очиб, ҳамқишлоқларини хушнуд этган эди. Кунларнинг бирида компьютер бузилиб, таъмир талаб бўлиб қолди.

Сайдулло сўраб-суриштириб Олтин водий қишлоғида яшовчи Акмал ва Абдурасул исмли усталарни топди. Улар компьютерни тузатаётганда ниятлари бузилиб, ўғирликка қўл урдилар. Усталар устомонлик билан компьютер файлларини қайта назоратдан ўтказгач, унинг ҳисобидан яширинча уяли телефон ва интернет хизматига ўтказиш учун бир неча марта пул олишди.

Қўли эгри усталарнинг қилмишидан бехабар бўлган Сайдулло кирим-чиқимларни ҳисоблаб кўриб, ҳайрон бўлди. Компьютер ҳисоб рақамидаги пул 200 минг сўмдан кўпроқ бўлиши керак эди, аммо ўн минг сўм ҳам қолмабди. Тадбиркор бу ҳақда дарҳол туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилди.

Мазкур ҳолат юзасидан тезкор-тергов гуруҳи тузилиб, суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Жабрланувчининг берган кўрсатмаси асосида компьютер усталари А. Акмал ҳамда Х. Абдурасул ушланиб, тергов қилинди. Шунда компьютердаги ўғирликни улар содир этганлиги маълум бўлди. Усталар компьютер тизимига яширинча уланиб, Сайдулло Ориповнинг ҳисоб рақамидаги жами 191 400 сўм пулни ўзлаштиришганини тан олишди. Улар қилмишларига яраша жазоландилар.

Азизхон БУЗРУКОВ.

Андижон вилояти.

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

ЧАҚАГА СОТИЛГАН ЧАҚАЛОҚ

Нигинанинг қандай муҳитда улғайгани бизга қоронғи. Аммо ўзининг айтишича, ўн етти ёшида, яъни ҳаётининг энг гуллаган даврида иффатини бой бериб қўйган. Шундан сўнг «қўлдан-қўлга» ўтиб, енгил-елпи ҳаёти бошланган. Икки йилча ўзи туғилиб ўсган шаҳри азимда шу «ҳунар» билан шуғулланиб юргану ишқий саргузаштлар иштиёқида Карманага келиб қолган.

Унинг ёнида шахсини тасдиқловчи тайинли ҳужжат ҳам йўқ. Шу боис дастлаб емакхона хизматчиси бўлиб, кейинроқ ҳали у чойхона, ҳали бу қаҳвахонада ишлаб юрди. Одатда киши йўқотиб қўйган нарсасини қидириб топмагунча кўнгли тинчимайди. Афтидан, Нигинанинг буюмча ҳам қадри қолмаган шекилли, уни ҳеч ким сўрамас ва изламасди. Балки ота-онаси исноддан қутулиш, номус ва маломатга қолмаслик учун қизларидан бутунлай воз кечишгандир.

Карманада юрган Нигина ўз тасаввурида яратган алдамчи дунёга батамом ғарқ бўлган, ҳали «оҳори тўкилиб улгурмаган» жувонлик латофати, ноз-карашмаси билан янги мижозлар овларди. Тўкин дастурхонлар, сохта илтифотлар, бир-бирига ўхшамайдиган оғушлар. Ҳозирим—ҳузурим, деб яшаётган одамдан бундан ортиқ нима ҳам кутиш мумкин? У шаҳар кўчаларини кезар экан, бир меҳрибон изларди. Тунларни турли гўшаларда ўтказиб юрган Нигинага энди муқим бир жой, иссиқ бошпана зарур эди. Изғиринли ноябрнинг сўнгги кунлари унга омад кулиб боққандек бўлди. У шаҳар кўчасида писта, сақич ва бошқа майда-чуйдалар сотиб ўтирган қизалоқ билан танишиб қолди.

– Онам уйимизнинг бўш хонасини ижарага қўйсак бўларди, дегандилар, – деди Насиба унга. – Юринг бизникига, гаплашиб кўрамиз.

Насибанинг онаси меҳрибон аёл чиқди. У бегона аёлга ҳужжатини суриштирмай уйидан жой берди. Ахир ҳар ойда яхшигина ижара ҳаққи тўлайдиган бундай мижозни топиш ҳам осон эмасди-да.

Ўзини беозоргина кўрсатиб, шу атрофдаги чойхонада хизматчи бўлиб ишлаётган Нигина икки ой ўтар-ўтмас қаергадир ғойиб бўлди. Махсус тадбир ўтказаётган туман ички ишлар бўлими ходимлари ҳужжати бўлмагани учун уни Когондаги шахси номаълум фуқароларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасасига жўнатиб юборгандилар. Аммо уч ойдан сўнг Нигина яна Насибаларникига қайтиб келди. Қумрихон опа уни индамайгина уйига киритди.

– Ижара пулини вақтида тўлаб борсанг шу хонада яшайверасан, – деди Қумрихон меҳрибонлик билан.

Орадан маълум вақт ўтди. Нигина ишга борар, уйга ўз вақтида қайтар эди. У анча босиқ бўлиб қолган эди.

– Гап буёқда экан-да, – деди Қумрихон опа бир куни Нигинанинг дўппайиб қолган қорнига ишора қилиб.

– Болани олдириб ташласам, дегандим, – деди у кайфу сафоларнинг аччиқ мевасидан қутулиш мақсадида уй бекасининг маслаҳатига умидвор бўлиб.

– Асло ундай қила кўрма, қизим!—деди Қумрихон Нигинанинг бошини силаб. – Яхшиси, сени дала ҳовлимизга олиб борай. Ўша ерда яшаб турасан. Ортиқча гап-сўзга тоқатим йўқ.

Унинг бу меҳрибончилиги бежиз эмасди. Шу топда «Бола асраб олмоқчиман. Бирорта аёл туғиб берса ҳам майли эди», деб юрган навбаҳорлик қариндошининг қўшниси кўз олдига келди. Шу лаҳзадаёқ бу «савоб иш»га шерик бўлиши мумкинлигини ўйлаб, қувончи ичига сиғмай кетди. Ўша аёл аввалига қувонди, аммо ҳали дунёга келмаган гўдакнинг онаси – Нигинанинг ижара ҳақини тўлаб бориши ҳамда бошқа харажатларини кўтариши ёқмади шекилли, тезда фикридан қайтди.

Тирноққа зор юрганлар ҳамма ерда ҳам топилади. Кўп ўтмай бола сўраб юрганлардан бири, Қумрихоннинг эски таниши Суҳроб унга юзланди.

– Мен бола туғилгунча барча харажатларни кўтаришга розиман, – деди у.

Нигинанинг ой-куни яқинлашганда Суҳроб гўдакни расмийлаштириш тараддудига тушиб қолди. Унинг ота-онаси келиб, ўғли ва келинининг паспортлари, никоҳ қайдномаларини ташлаб кетишди.

– Бу ҳужжатлар сизни қабул қилишимизга асос бўлолмайди, –дейишди вилоят туғруқхонаси шифокорлари «Тез ёрдам» машинасида олиб келинган Нигинага. Қумрихоннинг ёлворишларига ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. Бу орада тўлғоқ кучайиб, Нигина алаҳсирай бошлади.

– Менга телефонда дугонам Замирани чақириб беринг, опа, – деди ниҳоят Нигина Қумрихонга. – Уни ишга солмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Замира Нигинанинг қалин дугонаси. Бу хабарни эшитган заҳоти онаси билан етиб келди. Нигинани зудлик билан таксида туман туғруқхонасига олиб кетди.

Бирданига икки инсон ҳаёти хавф остида турганини кўрган шифокорлар бу ҳолга бепарво қараб туролмасдилар. Кўзи ёриётган аёлга раҳмлари келиб, қабул қилишди. Кўп ўтмай тетиккина қизалоқ дунёга келди. Худди шу дақиқаларда Нигина фарзанди зинодан туғилган бўлса ҳам ўзини дунёдаги бахтли она ҳисоблаши мумкин эди. Туққан эмас, боққан она, дейдилар. Агар у ўтган кунларини унутиб, қолган умрини шу бегуноҳ гўдакни оқ ювиб-тараш, вояга етказишга сарфласа савобли иш бўларди.

Табиийки, Нигина ҳозир бу ҳақда ўйламас, унинг фикри-хаёли «биз болани ҳужжатсиз ололмаймиз», дея ноумид бўлиб кетган Суҳроб, унинг рафиқаси, чол-кампирда эди. Боласидан қутулай деб турганида уларнинг бундай қилиши, нақд бўлиб турган омаднинг бирпасда саробга айланиши уни эсанкиратиб қўйганди.

Туғруқхона эшигида боласи билан чиқаётган Нигинани Замиранинг онаси ва Қумрихон кутиб туришарди. Нигина гўдагини бағрига босдими, ҳидига маст бўлдими-йўқми – буни ҳеч ким кўрмаган. Аммо бир неча кундан кейин у ётган хонага Қумрихон бошлаб келган бегона аёлни кўриб, «хайрият» деб қўйди ичида.

– Бу аёл харидор, – деди Қумрихон. – Қани, чақалоқни бер-чи, бир кўриб олсин.

Бегона аёл гўдакни қўлига олиб «вой бунча ширин бу жужуққина»! дея эркалаган бўлди. У бола учун 800 минг сўм беришини айтиб, тез кунда келиши, бошқа бировга бермасликни тайинлаб, чиқиб кетди. Яхшиямки, ҳаётда бурч, масъулият, виждон деган тушунчаларни улуғлайдиган инсонлар кўп. Баъзан битта шундай одамнинг дадиллиги, ҳақ сўзи билан адолат қарор топади, ёмонликнинг йўли тўсилиб, эзгулик тантана қилади. Бегона аёл уйига келгач бола савдоси билан боғлиқ барча воқеаларни қоғозга тушириб, Кармана тумани ички ишлар бўлимига борди. Унинг аризасига асосан ишга киришган тезкор гуруҳ кўп ўтмай Нигинани жиноят устида қўлга олди.

Нигина ўн етти йил ота-онаси бағрида ҳеч кимдан кам бўлмай ўсди. Болалигидан уларнинг меҳрига тўйиб улғайди. Аммо эсини таниганда онасининг оқ сутига нолойиқ бўлди, ота насиҳатларини қулоғига олмади. Фалакнинг гардишини қарангки, бебошлиги туфайли охир-оқибатда она деган улуғ номдан ўзини маҳрум этди. Бундан ташқари, уни қонуний жазо ҳам кутмоқда. Тўққиз ой, тўққиз кун юрагининг остида кўтариб юрган нури дийдасини арзимас чақага сотган бундай аёлдан нима кутиш мумкин?

Сулаймон ШОДИЕВ.

Навоий вилояти.

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

«ҚИШ ҚАНДАЙ КЕЛАРКИН?..»

Оловни тилсиз ёвга қиёслашлари бежиз эмас. Чиноз туманидаги «Дўстлик» фермерлар уюшмаси ўрамида жойлашган хонадонлардан бирида ўтган қиш мавсумида содир бўлган кўнгилсиз воқеа туфайли хонадон соҳиби бевақт оламдан ўтди. Мазкур ҳодиса ҳудуддагилар ва туман аҳлини анчагина ҳушёр торттирди. Аслида оила аҳли дилини хуфтон қилувчи бу кўргулик бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо газ ва электр энергиясидан фойдаланишга тўғри ёндашмаслик оқибатида афсуски, шундай ҳолатлар такрорланаётганини инкор қилиб бўлмайди. Шу боисдан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Туман ИИБ ЁХБ раҳбарияти бу борада жорий йил бошидаёқ алоҳида дастур ишлаб чиқди. Унинг бандларида маҳалла ва хонадонларда ёнғинга қарши чора-тадбирларни кучайтириш билан бирга, тарғибот ишларида ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш кенг ўрин олган. Шу асосда қилинган саъй-ҳаракатлар ўтган ойларда ўз самарасини берди. 10 мингдан ортиқ хонадонда профилактик ишлар олиб борилди. Агар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаб кўрилса, ёнғин туфайли келиб чиқаётган кўнгилсиз ҳодисалар 47 фоизга камайди. Собир Раҳимов номли фермерлар уюшмаси, «Кўтарма» қишлоқ фуқаролар йиғини, Олмазор каби аҳоли зич яшайдиган ҳудудларда аҳвол янада яхшиланди.

Эндиликда «Янги Чиноз», «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ҳам соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаб, муҳим ишга масъулият билан ёндашишмоқда.

Туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, капитан Зоиржон Эргашевнинг таъкидлашича, тасарруфдаги 4 та коллеж ва 42 та ўқув муассасасида ўқувчилар билан олиб борилган машғулотлар кўзланган натижани бераяпти. Масалан, ўтган даврда ёшлар айби билан бирорта ҳам ёнғин ҳолати келиб чиқмаган.

Шу кеча-кундузда аҳоли турар жойлари, корхона, ташкилотларни куз ва қиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизғин паллага кирган. Бу муҳим вазифага мутасадди идоралар қатори ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашишмоқда. Улар тумандаги корхона, муассаса, ташкилот ва хонадонлардаги тайёргарликни обдон кўздан кечиришаяпти. Уй эгалари, ишлаб чиқариш корхоналари мутасаддиларига зарур маслаҳатлар беришаяпти.

Бироқ мавсумни «Бу йил қиш қандай келаркин?» деган ўйда қўл қовуштириб, кутиб турганлар ҳам йўқ эмас. Мана шундай бепарво ва масъулиятсиз кишиларнинг боқибеғамлиги оқибатида ўтган ойларда газ ва электр тармоқларидан нотўғри фойдаланилгани сабабли юздан ортиқ кўнгилсиз ҳолатлар қайд этилди. Ачинарлиси, жаримага тортилганларнинг 55 нафари қайсидир муассаса ёхуд ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, мансабдор шахслардир.

Бир сўз билан айтганда, хонадон ва иш жойларида ёнғин келиб чиқмаслиги учун амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилиш зарур. Бунинг учун энг аввало, ҳар бир киши ўз бурчини унутмаслиги лозим.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Тошкент вилояти.

ИИВ Матбуот маркази хабар қилади

ФИРИБГАРНИНГ ҚИЛМИШИ

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликлари учун катта имкониятлар яратилмоқда. Аммо бунинг қадрига етмай фирибгарлик йўли билан осон пул топишни кўзлаётган олғирлар ҳам учраб турибди.

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида номаълум шахс фермер хўжаликларидан бирининг иш юритувчиси ишончига кириб, унинг 500 АҚШ долларини қўлга киритди. Фирибгар Д. Шокир ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

КУЧИ АЁЛГА ЕТДИ

Хоразм вилоятининг Хива туманида номаълум шахс касалхона ҳамшираси Л. Гулнорани куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефони, зираги ва узугини ечиб олиб кетди. Дарҳол суриштирув ишлари бошлаб юборилди ва ушбу жиноятни З. Комил содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

ҚЎЙ ЎҒРИСИ УШЛАНДИ

Навоий вилоятининг Конимех туманида яшовчи Ж. Жавурбой яхши ният билан қўй боқаётган эди. Аммо 16 бош жонивор ўғирланганини билиб ҳуши бошидан учди. Яхшиямки, ички ишлар ходимлари жонига оро киришди. Ж. Жавурбой ИИБга ариза билан мурожаат қилиши билан суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Кўп ўтмай гумондор Ш. Наримон қилмишини тан олди.

АКА-УКА БОСҚИНЧИЛАР

Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида икки номаълум шахс Д. Ориф бошқарувидаги «Матиз» русумли автомашинага ўтириб, манзилга етиб келишгач ҳайдовчининг томоғига пичоқ тирашди. Сўнг уни тушириб юбориб, машинани ҳайдаб кетишди.

Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни ҳали 20 ёшга ҳам тўлмаган ака-ука Сардор ва Санжар содир этганлиги аниқланди. Энди улар қонун олдида жавоб беришади.

Ёқубжон БОБОЖОНОВ,
лейтенант.

КУРАШ

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида анъанавий спорт курашлари бўйича Бутунжаҳон IV фестивали доирасида белбоғли курашнинг жаҳон ва Осиё чемпионати мусобақаси якунланди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

Мусобақанинг сўнгги кунида ўсмирлар ўртасидаги Осиё биринчилигида ҳамюртларимиз Санжар Қўчқоров, Баҳром Муҳаммадалиев, Шоҳинур Шомаликов, Раҳмат Шомуродов, Ислом Йўлдошев ва Дадажон Эргашев олтин медалга сазовор бўлди. Муслим Аҳмаджонов кумуш медални қўлга киритган бўлса, Абдумутал Неъматов, Бекзод Абдуғаниев, Маъриф Тўланов, Жасур Шахтамов, Хайрулло Отабоев ва Миродил Раҳматуллаев бронза медаль билан тақдирланди.

Қолган олтин медаллар қирғизистонлик Арсен Аличев, тожикистонлик Умидбек Тошмуродов ва қозоғистонлик Бейбит Позиловга насиб этди.

Қизлар беллашувларида Дилшода Юнусова, Мафтуна Миралиева, Дилноза Усмонова, Умида Умрзоқова олтин медални қўлга киритган бўлса, Анифе Курсеитова кумуш ва Гулхумор Дадабоева бронза медаль билан тақдирланди. Шунингдек, қозоғистонлик Гулнора Омонтоева ҳам олтин медалга сазовор бўлди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири.

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

УМРИНГИЗГА БАРАКА, ОТАХОН!

Истеъфодаги полковник Саидаҳмад ота Мадаминовни Навоийда кўпчилик яхши танийди. Боиси, бу фидойи инсон ички ишлар тизимларида ўтган кўп йиллик ҳалол хизмати, самарали меҳнатлари билан эл эътиборини қозонган.

Асли Наманган вилоятида туғилиб ўсган С. Мадаминовнинг болалиги оғир даврларга тўғри келди. Очарчилик, қаҳатчилик нима эканлигини, бир бурда ноннинг қадр-қимматини ўша кезлардаёқ бола вужуди билан англаб етди. Кўплаб тенгдошлари қатори бошоқ терди, ер ҳайдади, эрта тонгдан тун қоронғисига қадар боши меҳнатдан чиқмади.

У мактабни битиргач, 1949-51 йилларда Тошкент офицерлар мактабида таҳсил олди. Дастлаб йўлланма билан Қорақалпоғистоннинг Тахиатош туманида хизмат фаолиятини бошлади. Ёшликнинг энг навқирон дамларини, куч-қуввати, билим ва маҳоратини ички ишлар идоралари хизматига бағишлаган С. Мадаминов раҳбарият қайси ҳудудни, қандай лавозимни лозим топса, ўша ерда фаолият кўрсатиб, билдирилган ишончни оқлади.

Илк бор Навоийга келган кезлари шаҳар ўрни қипқизил чўл эди. Поезддан тушганида атроф саксовулзор, қум кечиб бораркан, аҳён-аҳёнда «палатка уй»-лар кўзга ташланарди. Биёбон ўрнида бунёд бўлган шаҳарни қуришда қатнашди. Эндиликда ана шу гўзал ва навқирон шаҳар қад ростлашида ҳиссаси борлигидан, тўғрироғи, куч-қуввати ва шижоатини ана шундай хайрли ишга сарфлаганидан фахрланади.

Ўтган йил шаҳарнинг эллик йиллик юбилейи кенг нишонланди. Шу муносабат билан ўтказилган байрам тантаналарида Саидаҳмад Мадаминовга «Навоий шаҳарининг фахрий фуқароси» нишони топширилди.

— Бу эътибор мени беҳад қувонтирди, — дейди отахон ўз таассуротлари ҳақида гапириб. — Ўттиз олти йил жазони ижро этиш муассасаларида хизмат қилдим. Кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлашимга тўғри келди. Эрта тонгда хизматга отланиб, ярим тунда уйга қайтардик. Ўғил-қизларимни аксарият ҳолларда ухлаётган вақтларида кўрардим.

Ҳа, истеъфодаги полковник С. Мадаминовнинг ички ишлар идораларида ишлаб, эл назарига тушиши, обрў-эътибор қозониши осон кечмаган. Бунинг замирида қанчадан-қанча беҳаловат кунлар, беором тунлар ётибди. Ҳаётининг энг қайноқ дамлари, ўт-олов ёшлиги, бебаҳо умри ана шундай бетиним, серзаҳмат хизматда кечди. Ўзи эътироф этганидек, бундан сира афсусланмайди. Негаки, эндиликда хизматлари самарасини кўриб турибди. Фарзанду шогирдлари ардоғида. Қаерга борса давраларнинг тўри мунтазир. Энг муҳими, эл меҳру муҳаббатини туйиб, роҳатланади.

— Саидаҳмад ота ҳозир ҳам сафимизда, — дейди вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Р. Абдуллаев. — Бир неча йилдан буён бошқарма фахрийлар кенгашига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ёш ходимлар билан ўтказилган учрашув ва йиғилишларда ўз хизмат фаолиятлари, бой тажрибаси ҳақида гапириб беради, қимматли маслаҳатларини аямайди. Ёшларни бурчга садоқат, касбга муҳаббат руҳида тарбиялашда бу фахрийнинг ўрни катта.

Умрини меҳнат билан безаган, ҳаётини яхши амаллари билан зийнатлаган, ҳалоллик ва тўғриликни шиор билган ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Саидаҳмад ота Мадаминовга узоқ йиллар кексалик гаштини суриб юриш насиб этсин деймиз.

Нигора РАҲИМОВА.
Навоий вилояти.

Ички ишлар идоралари фахрийси, Навоий вилояти ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Саидаҳмад МАДАМИНОВни табаррук 80 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Азиз устозимиз ва сафдошимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, ошлавий хотиржамлик, фарзандлари ва набиралари, шогирдлари камолини кўриб, яна кўп йиллар даврамизни тўлдириб юришини тилаймиз.

Республика ИИВ Фахрийлар кенгаши, Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши.

ҚЎЛ ЖАНГИ

Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан қўл жанги бўйича чемпионат ўтказилди.

ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Мусобақада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шаҳар, туман ИИБлари ва республика олий таълим муассасаларидан ҳамда спорт федерацияларидан жами йигирма тўрт жамоа иштирок этди.

Мусобақада етти вазн тоифасида беллашувларда иштирок этган 100 нафардан ортиқ спортчилар орасидан ғолиблар сараланди. 60 килограмм вазн тоифасида А. Куламетов (НДПИ) барча рақибларини енгиб ғолиб бўлди. Шунингдек, 65 килограмм вазнда М. Байназаров («Динамо» ЖТСЖ), 70 килограмм вазнда К. Сулайманов (Муай-тай федерацияси), 75 килограмм вазнда Ж. Сейтаев («Динамо» ЖТСЖ), 80 килограмм вазнда С. Алланазаров («Динамо» ЖТСЖ), 85 килограмм вазнда В. Жуманиязов (НДПИ), 85 килограммдан юқори бўлган вазнда А. Мадреймов («Динамо» ЖТСЖ) шоҳсупанинг биринчи погонасидан жой олишди.

Умумжамоа ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти қўл жанги усталари биринчи ўринни эгаллашди. Нукус Давлат педагогика институти спортчилари иккинчи ўринни банд этишди. Шимолий-ғарбий ҳарбий округи жамоаси учинчи ўринга муносиб топилди.

Қўл жанги мусобақасининг барча ғолиб ва совриндорлари фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

А. ЖИЕМУРАТОВ,
капитан.
Қорақалпоғистон Республикаси.

БОКС

ШОҲСУПАДА ДИНАМОЧИЛАР

Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида 25 октябрь – Ички ишлар идоралари ходимлари кунига бағишлаб ўсмирлар ўртасида бокс мусобақаси ўтказилди. Унда бир юз йигирмадан зиёд ёш чарм қўлқоп усталари ўзаро беллашишди.

Мусобақада қўшни Қозоғистон Республикасидан келган спортчилар ҳам иштирок этишди. Таъкидлаш жоизки, баҳсларда фаоллик кўрсатган динамочилар совриндорлар сафидан жой олишди. Жумладан, 1996-97 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида 80 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Р. Тагиев барча рақибларини доғда қолдириб ғолиб бўлди. Яна бир динамочимиз О. Межитов ўз вазн тоифасида ғалабага эришди.

Шунингдек, З. Носиров, Ж. Шарофутдинов, А. Исмаилов, Ж. Семонян, А. Бахадирзода, К. Мамедов, Б. Раҳимовлар ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг иккинчи ва учинчи погонасидан жой олишди.

Ғолиб ва совриндорларга республика «Динамо» ЖТСЖ томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ф. АЗИЗОВ.

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

КУБОК ЯКУНЛАНДИ

Москва шаҳрида теннис бўйича Кремль Кубоги мусобақаси якунига етди. Йигирманчи марта ўтказилган мазкур мусобақанинг эркаклар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсларида россиялик Михаил Южний сербиялик Янко Типсаревични доғда қолдириб, голибликни қўлга киритди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда италиялик Франческа Скьявоне ғалаба қозонди.

РОССИ – 2009 ЙИЛГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Италиялик мотопойгачи Валентино Росси 2009 йилги жаҳон чемпионатида муддатидан аввал ғолиб бўлди. 30 ёшли спортчи мазкур мусобақа тугалланишига бир босқич борлигига қарамай, умумий ғалабани нақд қилиб қўйди.

КЛИЧКОНИНГ НАВБАТДАГИ РАҚИБИ

Украиналик чарм қўлқоп устаси Виталий Кличко шу йилнинг 12 декабрь куни америкалик Кевин Жонсонга қарши рингга чиқишини маълум қилди. Жанг Швейцариянинг Берн шаҳрида бўлиб ўтади. Катта Кличко мазкур жангда WBC (Халқаро бокс кенгаши) йўналиши бўйича чемпионлик камарини ҳимоя қилади. Эслатиб ўтамиз, 30 ёшли Жонсон профессионал рингда 23 та жанг ўтказиб, шундан 22 тасини ўз фойдасига ҳал қилган. Битта ўйинда дуранг натижа қайд этилган.

ГРОССМЕЙСТЕРЛАР БЕЛЛАШАДИ

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) гроссмейстерлар Виши Ананд (Ҳиндистон) ва Веселин Топалов (Болгария) ўртасида жаҳон биринчилиги баҳси ўтказилиши муносабати билан мусобақанинг муддати ва регламентини тасдиқлади. Жаҳон чемпионатига София шаҳри мезбонлик қилади. Мукофот жамғармаси икки миллион еврони ташкил этадиган мазкур мусобақа 2010 йилнинг 5 апрелида бошланиб 24 апрелигача давом этади.

МЕССИ – ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИ

Мадрид шаҳрида Испания чемпионатининг ўтган мавсуми бўйича энг яхши ўйинчиси ва мураббийини аниқлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши ҳужумчи» ва «Мавсумнинг энг яхши ўйинчиси» деган номга Лионель Мисси («Барселона») сазовор бўлди. «Энг яхши мураббий» номинациясига Пеп Гвардиола муносиб деб топилди. Шунингдек, «Реал» посбони Икер Касильяс ҳам совриндорлар сафидан жой олди.

Нормамат TOFA

ҲУКМСИЗ ЖАЗО

Детектив қисса

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда).

СЎНГГИ ЧОРА

Эрталаб мамнун ҳолда изқуварнинг хонасига кириб келган эксперт салом-аликдан сўнг узрли оҳангда гапирди:

– Кечирасиз, ака, кеча улгуролмадим. Ҳозиргина тугатиб, тўғри олдингизга келаяпман.

– Хўш, бирон натижа борми? – тоқатсизланди изқувар.

– Ўртоқ майор, қотил топилди!

– Ким экан у?! – ўрнидан туриб кетди изқувар.

– Ароқ билан сигаретни кимдан олган бўлсангиз, қотил ўша! Чунки шиша, узук ва сигарет қолдиқларидаги бармоқ излари айнан бир кишиники. Сиз менга берган сигарет қутисининг бир чеккасида ҳам шу бармоқ излари бор. Ўзингизга маълум, узукда икки кишининг бармоқ изи аниқланган эди. Шулардан бири ёғупадагига тўғри келганидан ҳам хабарингиз бор. Иккинчиси билан ароқ шишаси, сигарет қолдиқлари ва сигарет қутисидаги бармоқ излари айнан бир кишиники.

– Демак, қотил Облоберди!

– Анави Мирза Калоновнинг ичкуёви, дўкондор Облобердими? Наҳотки?

– Афсуски, шундай! Демак, кеча қўлимдаги узукни таниб қолган. Шундан сўнг дўконни ёпиб кетган. Қаерга кетди экан. Қочиб кетган бўлса-чи?! Кеча қидирув билан кузатувни тўхтатиб, бекор қилган эканман-да. Қайтага давом эттириб, уйиниям назоратга олдирсам бўларкан. Гумонларим тўғри экан, қўлдан чиқариб қўймасак яхши эди. Қочиб қаерга борарди, рўзғори шу ерда, ишхонаси бор. Бир ўзимикин ёки шерикларим бормикин?

Изқувар Кенжа Ботировнинг ҳузурига кириб, кечаги воқеалар ва бугунги экспертиза хулосаси тафсилотлари хусусида ахборот берди.

– Бунча тез? – ажабланди Кенжа Ботиров. – Фолбинлик одатингиз йўқми мабодо! Одамнинг ишонгисиям келмайди. Қанийди, шулар тўғри бўлиб чиқиб, масала шу ҳолда жўнгина ечилса. Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

– Облобердини қидириб топишим керак.

– Топинг. Бу гал овора бўлиб юрмасангиз керак. Шундайгина борасизу бу сафар ароқ билан сигарет эмас, ўзини эргаштириб келаверасиз.

Изқувар бошлиқнинг гапи киноями ёки самимийми билолмай, гарангсиб турди.

– Бўпти, топиб келинг-чи. Эҳтиёт бўлинг, масала бироз ойдинлашмагунча ошириб юборманг.

У Ботировнинг ҳузуридан чиққач, профилактика инспекторини Облобердини топиб келишга жўнатди. Ҳар эҳтимолга қарши ЙПХ масканларини ҳам огоҳлантириб қўйишни лозим топди ва бу фикрни ЙҲХБ бошлиғига айтди. Изқувар негадир Облобердининг қочишга уринишига қаттиқ ишонар, бу тахмини унга бир зум тинчлик бермасди.

* * *

Облоберди кеча изқуварнинг бармоғидаги узугини таниган ва ёнимга уни атайлаб тақиб келган, деб гумон қилганди. Ғалати қараш қилишидан таъқиб этаётганига шубҳаси янаям ортди. Ароқ харид қилишидан ҳам негадир ҳадиксиради. Ёнган машина билан жасад қолдигини ички ишлар ходимлари воқеа жойидан олиб кетишганини Облоберди орқаворотдан эшитган бўлсада, жиноятчи сифатида ўзининг қўлга тушмаслигидан хотиржам эди. Ҳеч қандай из қолдирмаган-ку, кимни ушлашларини билмай уч-тўрт кун қидириб қўришади-да, деб ўйларди у. Узугига келсак, бармоғида йўқлигини ўшанда сезмаган, кейин Ҳалимахоннинг бармоғида бўлса қўшилиб қуйиб кетган, деб ўйлаганди. Бугун эса шу узукни тезкор ходим тақиб, ёнига келиб турибди! Демак, узук меники эканлигини қандай йўл билан бўлса ҳам аниқлашган, деб талвасага тушиб қолди.

Облоберди шундай ўй-гумонлар исканжасида изқувар кетиши билан харидорларни чиқариб, дўконни қулфлади. Қайнотаси ва тоғасини бориб, кўриб келмоқчи эканлигини айтиб, янгасига калитларни топширди-да, дўконни очиб туришни тайинлади. Хотини билан қайнонасига ҳам шу мазмунда гапирди:

– Дадамни кўриб келмоқчимиз. Савдо ходимларидан яна уч киши бирга борадиган бўлди. Ҳозир жўнаб кетмоқчимиз. Ёнларида уч-тўрт кун туриб қайтамиз.

Облоберди шу баҳона билан уйдагиларни тинчлантириб, машинасини ҳовлидан ҳайдаб чиқиб кетгач, шаҳар чеккасидаги танишиникига борди. Машинани ҳовлига киритиб қўйиб, олиб борган тўла сумкани ўртага қўйиб, давра қуришди. Иккови бир шиша ароқни бўшатишгач, Облоберди тилга кирди:

– Менинг устимдан кимдир ички ишлар идорасига шикоят ёзибди. Улар ҳам пойлаб юришган эканми, қайнотам билан тоғам курортга кетганини билиб, бугун дўконга келишди. Уларга панд бердиму, дўконни ёпиб бу ёққа жўнавордим.

– Боплабсиз! – деди таниши. – Бир-икки кун кўзларига кўринмай туринг. Унгача қайнотангиз ҳам келиб қолади. У киши келса, ҳаммасини ўзлари тинчитадилар.

– Айтмоқчи, мен берган ароқларни сотиб бўлдингизми?

– Озроқ қолди. Тугатсам, уч-тўрт кундан кейин яна бораман. Бошқа танқис нарсалардан бўлсаям олиб қўйинг.

– Майли, булар бўладиган гап, қўлимизда-ку. Сиз ҳозир укангизга айтинг, мотоцикли билан ғизиллаб дўконга бориб келсин. Бир «разведка» қилсин-чи, нима гап экан.

Шундай қилиб, танишининг укаси бир эмас, бир неча марта дўкон атрофини кузатиб келди. Ҳар гал унгизни очинг, – деди у. – Укам хунукроқ хабар келтирди. Эшитаяпсизми, Облоберди ака, сизни профилактика инспектори қидираётган эмиш.

Облоберди сапчиб ўрнидан туриб кетди. Лекин яна тўшак устига шалпайиб ўтириб қолди. Бир зум қарахтланиб тургач, Бегимга буюрди:

– Пиёлани тўлдириб ароқ қуйинг!

Бегим бир зум унинг юзига қараб тургач, иккиланиброқ пиёлага ароқ қуйди. Облоберди ароқни юзларини буриштириб бир амаллаб ютгач, йиғиштирилмаган дастурхон устидаги қовурилган гўштдан бир бўлак олиб, оғзига солди. У ўрнидан турар экан, Бегимга деди:

– Мен кетдим!

– Қаёққа?

– Қайнотамнинг ёнига бориб келаман.

Облоберди машинани ҳовлидан ҳайдаб чиққач, шаҳар чети билан юриб борди-да, катта йўлга тушиб олди. У Бегимга айтганидек, қайнотасининг олдига эмас, Ургутга қочишни мўлжаллаган эди.

Облоберди машинани елдек учириб бораркан, ЙПХ масканига яқинлашганда катта йўл ўртасида туриб, ўтган машиналарни тўхтатаётган бир йўла бешта назоратчини кўриб, капалаги учиб кетди. Машинанинг тезлигини пасайтирди. «Мени қидиришаяпти, – ўйлади Облоберди. – Нима қилсам экан, машинани тўхтатсам ушлашади. Айланиб қочиш учун бошқа йўл йўқ. Улардан биронтасини уриб ўтиб, қочишга тўғри келади. Улар машинага ўтириб, йўлга тушгунча анча узоқлашиб кетаман. Машина янги, қуролим бор, дала йўлига чиққач, қувлайверишса отаман. Яхшиям қайнотамнинг тўппончасидининг изидан тушишди. Облоберди буни кўргач, жон-жаҳди билан газни босди. Ниҳоят, назоратчилар машинаси Облобердини қувиб етди.

– Эҳтиёт бўл, қуроли бор экан! – огоҳлантирди капитан рулдаги ҳамроҳини. – Бу Облоберди дегани даҳшатли жиноятчи чиқиб қолди-ку! Энди машинани чап томонидан ҳайдама, орқасидан тақаб бориб, ўнг томонидан олдинга ўтишга ҳаракат қил. Шундай қилсанг отолмайди.

Йўлнинг ўнг томонида зовур бошланган эди. ЙПХ машинаси шу томондан олдинга ўтмоқчи бўлаётганини кўрган Облоберди уни қисиб, орқада қолишга мажбур қилиш учун рулни ўнг томонга кескин бурибюборди. Шунда машинанинг биқинини ЙПХ машинаси тумшуғига урилиб, йўлнинг ўнг томонига чиқиб кетди ва зовурга қулади. Ички ишлар ходимлари бирин-кетин машинадан туша солиб ўша томонга югуришди. Зовур ўртасидаги ғилдираклари осмонга қараб қолаётган машина ичида қонга беланган Облоберди букланиб, жонсиз ётарди.

Қарангки, Облоберди нопок қилмиши, кирдикорлари, қилган ёвузликлари учун терговда қизариб, бўзариб, гоҳ тайсаллаб, гоҳ афсус-надомат чекиб сўроқ бермади, суднинг қора курсисида ўтириб, жинояти учун одилона ҳукмни эшитмади. Хуллас, ўзи сабаб бўлдими, худо шуни раво кўрдими, охир оқибат ҳукмсиз жазога йўлиқиб, умрига якун ясади.

Дарҳақиқат, ҳалоллик йўлидан тойган Облобердига ишқ қурбони бўлиб, муҳаббат йўлида куйиб, кулга айланган Ҳалимахон руҳининг фарёди, туғилмасдан нобуд бўлган норасида гўдак уволи, ёндирилган машина, қинғир йўллар билан топилган пуллар ва яна қайнота давлати, муруввати ҳисобидан қилинган текинхўрликлар касофати эвазига шундай жазо муқаррар эди. Бу ҳукмни у ўзига ўзи ўқиб, ўз қўли билан ижро этди.

Капитан Алишер Назаровнинг бу гапларини ҳамма бирдек, бош иргаб маъқуллади. Воқеа тафсилотини баён қилиш учун Кенжа Ботировга қўнғироқ қилиш учун уяли телефонидан рақам тераётган капитан Ғайрат Жонимқулов ҳам шу фикрда эди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ИИБ томонидан Илҳом Абдураҳимович Джабборов бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1982 йилда туғилган. Янгийўл шаҳар Пахта заводи, 2-корпусда яшаган. 2009 йилнинг 3 февраль куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи қора, қошлари ёйсимон, бурни катта, лаблари қалин.

Кийимлари: қора куртка, қора шим, оқ кроссовкада бўлган.

Алоҳида белгилари: чап қўл бармоғида «Д» ёзуви, биқин қисмида туғма доғи бор.

И. Джабборовни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Янгийўл шаҳар ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ИИБ томонидан Баҳром Қарши ўғли Норматов бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда. У 1991 йилда туғилган. Қумқўрғон тумани Ш. Мирзаев номли фермерлар уюшмаси, Янгиқишлоқ маҳалласида яшаган. 2009 йилнинг 2 сентябрь куни уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, сочи қора, боши каттароқ.

Кийимлари: қора енги калта кўйлак, қора жинси шим, қора туфли, яшил рангли сумкаси бўлган.

Б. Норматовни кўрган, қаердалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Қумқўрғон тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

ШАХСИ АНИҚЛАНМОҚДА

2009 йилнинг 25 сентябрь куни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳудудидаги Оҳангарон шоҳкўчасида номаълум ҳайдовчи томонидан ёши тахминан 35-40 лардаги, Европа миллатига мансуб аёл киши уриб кетилган. Пиёда воқеа жойида вафот этган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, сочи қўнғир, қошлари, кўзлари жигарранг.

Кийимлари: қора, катаксимон кўйлак, сариқ, енгсиз тўқима жемпер, қора трикода бўлган.

Алоҳида белгилари: чап қўлида чандиғи бор.

Номаълум аёлни таниган, у ҳақда бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси йўлтранспорт ҳодисаларини тергов қилиш бўлимига мурожаат этишларини сўраймиз.

* * *

2009 йилнинг 18 сентябрь куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Паркент кўчасида «Шевролет – Оптра» русумли автомашина ҳайдовчиси томонидан ёши тахминан 45-50 лардаги, Осиё миллатига мансуб эркак киши уриб юборилган. Жабрдийда касалхонада вафот этган.

Белгилари: бўйи 172 см, ўртача гавдали.

Кийимлари: оқ кўйлак, жинси шим, қора пайпоқда бўлган.

Алоҳида белгилари: чап қўл бармоқларида оқ доғлари бор.

Номаълум шахсни таниган, у ҳақда бирор маълумотга эга фуқаролардан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси йўлтранспорт ҳодисаларини тергов қилиш бўлимига мурожаат этишларини сўраймиз.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма бошлиғи, генерал-майор Турсунхан Худайбергеновга укаси

Саидхон ХУДАЙБЕРГЕНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Жондор тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Собиржон Шукуровга падари бузруквори

НАРЗИ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник

Адгар БЕКМАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ ЁХБ бўлинма бошлиғи, майор

Абдурасул ТАЖБЕНОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Республика ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор

Тоҳир НУРМУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Марғилон шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ бўлинма бошлиғи, майор Ҳасанбой Тилаволдиевга укаси

Ҳусанбой ТИЛАВОЛДИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

НАЗМ

ЎЗБЕКИСТОН ПОСБОНЛАРИ

Бахтиёр кунларга айтиб шукрона,
Қадрига етайлик давру-давроннинг!
Юрт меҳри юракда мағрур, мардона,
Биз — содиқ посбони Ўзбекистоннинг!

Эл тинчин асрайлик сергак ва ҳушёр,
Ватансиз қадри йўқ бу жисму жоннинг,
Постдамиз қишу ёз, куз ҳамда баҳор,
Биз содиқ посбони Ўзбекистоннинг!

Осойишта бўлсин, тинч бўлсин ҳаёт,
Улуғдир нияти ҳар бир инсоннинг.
Шу қутлуғ мақсадда хизматда мудом —
Биз — содиқ посбони Ўзбекистоннинг!

Истиқлол шуури — дилларда зиё,
Бахт куйи боқийдир жумла жаҳоннинг.
Сергакмиз, хушёрмиз — демак, тинч дунё,
Биз — содиқ посбони Ўзбекистоннинг!

Неъматжон САЛАЕВ.
Хоразм вилояти.

ЭЛ ТИНЧЛИГИ

Менинг асл мурод-мақсадим —
Она юртим фаровонлиги.
Элимизнинг тинч меҳнатию
Юртимизнинг ободонлиги.

Тунда ором олсин одамлар,
Ҳаловатин буздирмайман ҳеч.
Хавф-хатарга қалқон бўларман
Халқ оромин сақлаб эрта-кеч.

Азиз эрур ҳатто ўзимдан
Юртдошларим қадр-қиммати.
Дилимни хуш айлайди ҳар дам
Сафдошларим содиқ хизмати.

Ўз бурчини этгувчи адо —
Мард ходимлар бари шерюрак!
Мен ҳам жоним қилсам-да фидо,
Эл ишончин оқлашим керак!

Ўктам ДАВЛАТОВ.

5 НОЯБРЬ – ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ОЧИЛГАН КУН

ТЕЛЕВИДЕНИЕ: КЕЧА ВА БУГУН

Инсоният кўп замонлар ойнаи жаҳон шаклидаги «сеҳрли кўзгу» – телевидениени орзу қилган. Бу орзу XX асрга келиб реал воқеликка айланди. Бугунги кунда телевидениесиз турмуш тарзимизни, ҳаётимизни тасаввур қилиш қийин. Телевидение одамларнинг маънавий, маърифий тарбия ҳамда ахборот олиш манбаига айланди.

Телевидение юнонча «tele» – узоқ, лотинча «video» – кўриш сўзларидан олинган бўлиб, узоқ масофадаги ҳаракатни кузатиш маъносини англатади. Телевидение тараққиётида ички фотоэффектни америкалик Уиллоуби Смит (1873й) очган. Лаборатория шароитида биринчи марта электрон телевизион узатишни амалга оширган Петербург технология институти профессори Борис Розинг (1911 й)нинг хизматлари катта бўлди.

Шуни ғурур ва фахр билан айтиш жоизки, телевидениенинг ватани — Ўзбекистондир. 1928 йилда тошкентлик Ҳамзахон ва Юсуфхон Мирзамуҳаммедовларнинг Баландмасжид маҳалласидаги хонадонида ихтирочилар Б. Грабовский ва И. Белявскийлар электрон-нур ёрдамида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган аппарат яратди. Ўзбекистонда илк телевизион кўрсатувларни эфирга бериш 1956 йил 5 ноябрдан амалга оширилди. Тошкент телемарказининг тажриба-синов кўрсатувлари шу кундан бошланди. Орадан бир йил ўтиб, Ўзбекистон Радиоэшиттириш ва Телевидение қўмитаси ташкил этилди. Аста-секин Тошкент телемарказининг кўрсатувларни тарқатиш доираси кенгайди. 1961 йилда Урганч шаҳрида, 1964 йилда Нукус шаҳрида телемарказлар ишга туширилди. 1962

йилдан Ўзбекистон телевидениеси кўп дастур асосида фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон телевидениеси тараққиёти истиқлол йилларидан сўнг жадаллашди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармонлари кўрсатув ва эшиттиришларнинг мазмунини тубдан ўзгартириш ва асосий йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлди. 2005 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (МТРК) деб номланиб, қайта ташкил этилди. Ҳозирда МТРКда тўртта: «Ўзбекистон», «Ёшлар», «Тошкент», «Спорт» телерадиоканаллари бор. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий телевидениелар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялар телетармоғи (ЎзНТТ) ва «ТВ Марказ» каналлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари, республикамизда элликдан ортиқ телестудиялар фаолият юритмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча аҳолиси йўлдош алоқа тизими орқали узатилаётган «Ўзбекистон» телерадиодастурларидан баҳраманд бўлмоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг халқаро муносабатлари мустаҳкамланиб, ўзаро теледастур ва видеофильмлар айрибошлаш борасида ҳамкорликка кенг йўл очилмоқда. Сўнгги йилларда юртимизнинг миллий байрамлари, халқаро аҳамиятга молик йирик анжуманлар, спорт мусобақалари сунъий йўлдош алоқа воситалари орқали тўғридан-тўғри узатилмоқда. Аҳолининг билим ва маданий савиясини кўтариш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни асраш, фуқаролар онгида демократик қадриятларни шакллантириш, ёшларни ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадига йўналтирилган миллий сериаллар намойиш этилаётгани айниқса, эътиборлидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон телевидениеси теледастурлари ранг-баранглиги, мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг барча соҳаларни қамраб олиши ва қизиқарли акс эттираётганлиги билан юртдошларимиз эътирофига сазовор бўлмоқда.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,
«Постда» мухбири.

ЯНГИ АВТОМОБИЛЬ

2010 йилнинг учинчи чорагидан «GM-Uzbekistan» қўшма корхонаси «А —Chevrolet M — 300» тоифасидаги автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бу «Chevry Matiz M — 300» автомобилининг айнан ўхшашидир. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси вакилларининг таъкидлашича, лойиҳанинг умумий қиймати 124. 455 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқарилиб, 20 мингтаси экспорт қилинади. Автомобиль янгича қиёфа касб этган, техник жиҳатдан такомиллашган бўлиб, замонавий дизайнга эга.

Шу ўринда яна бир янгилик, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2009 йилнинг тўққиз ойи ичида «GM — Uzbekistan» қўшма корхонасида автомобиль ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4 фоизга ошган.

«ОБУНА – 2010»

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари –

«ПОСТДА», «НА ПОСТУ»
газеталари ҳамда
«QALQON», «ЩИТ»
журналларига 2010 йилнинг биринчи ярми учун обуна давом этмоқда.

Нашрларимизда жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, криминал воқеалар, суд очерклари мунтазам ёритиб борилади. Ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг!

Сиз азизларга қулайлик яратиш мақсадида обуна нархлари ўзгартирилмади.

Обунани энг фаол уюштирган ҳамкорларимиз таҳририят томонидан мукофотланадилар.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:
«Постда» 180 (366)
«На посту» 169 (367)
«Qalqon» 970 (1083)
«Щит» 971 (1084)

ISSN 2010-5355

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE’MATOV**

Bosh muharrir o‘rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Muhabbat IBRAGIMOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart.
Qo‘iyozmalar tahlil qllinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №J-8340. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57497 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.